ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР ОША ЯШАЙВЕРСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 93 (20. 660) • 1990 йил 21 апрель, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ

Кеча Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Қайта қуриш бизга Октябрь йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинни тағин ҳам яқинлаштирди. Биз ўзгартишларнинг қандай бораётганлигини Ленининг чуқур фикрлари билан текширмоқдамиз. Ленининг ўлмас асарлари бизни ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам холис баҳолашга, инқилобни яна давом эттириш учун зарур сабоқ чиқариб олишга ўргатади. «Ҳозирги пайт» бизни буюк мутафаккир ва инсоннинг асарлари ва маслаҳатларига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур этмоқда.

20 апрель куни Москвада ССР Иттифоқининг Большой театрида В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерда пойтахт ва Москва области меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, халқ депутатлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучлари жангчилари, Ленин партияси ветеранлари тўпландилар. Чет эллик дипломатлар, ҳорижий меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов,** СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ва палаталарининг раислари, СССР Федерация Кенгашининг ва Президентлик Кенгашининг аъзолари, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети комитетларининг ҳамда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети комиссияларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Тантанали йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг аъзоси **Ю. А. Прокофьев** очди.

Совет Иттифоқи Гимни янгради.

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачевнинг** «Ленин ҳақида сўзи» зўр эътибор билан тингланди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан «Байналмилал»ни куйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).

«В. И. Ленин». Рассом П. Васильев ишлаган расм.

ЛЕНИН ҲАҚИДА СЎЗ

Ўртоқлар! Даҳоларнинг фазилати шундаки, улар барча замонларда одамларга зарурдир ва ҳар сафар улар фазилатининг янги қирралари намоён бўлади.

Қайта қуриш бизга чинакам Ленинни кашф этди. Шу билан бир қаторда, унинг сиёсий ва назарий мероси, шахсиятининг ўзи бугун яна ғоявий ва сиёсий курашнинг марказида турибди. Қайта қуришнинг социалистик йўли танлаб олинганлиги бунинг кафолатидир.

Ленин социалистик ғоянинг равнақи ва бу ғояни амалга оширишга ноёб ҳисса қўшди. Бу ғоя аср ларзалари, янглишишлар, фожиаларни бошидан кечириб, ҳамон ўзига йўл очиб бормоқда. Ленин бўлмаганида, Октябрь бўлмаганида инсоннят тараққиёти ва инсон қадр-қиммати мезонлари тўғрисидаги оламшумул тарихий масалани ҳам ҳозиргидек янгичасига илгари суришнинг иложи бўлмас эди.

Ленин олами ҳудудсиздир, бу олам инсон ҳаётининг барча соҳаларини, барча кўринишлари ва таркибий қисмлари билан жамият ҳаётини, барча синфлар ва ижтимоий қатламлар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар, ёшларнинг аҳволи, мавқеи ва тақдирини қамраб олади... Бу олам одамларнинг кундалик ташвишларидан тортиб жаҳон сиёсатининг — энг йирик муаммоларигача ҳаммаҳаммасини қамраб олади. Маънавият негизларидан тортиб давлатдаги қонунчилик ва тартибгача, сиёсий тактика принципларидан тортиб оламшумул жараёнларни фалсафий йўсинда идрок этишгача — буларнинг ҳаммаси ўша олам қамровидадир.

Биз бу оламдан ниманики олмайлик, битта нутқда барибир батафсил гапириб бўлмайди.

Эндиликда биз шуни уқиб олдикки, Ленининг мероси танлаб-танлаб ўрганишни эмас, балки тўла, кенг қамровли, яъни доҳий ижодининг бутун бойлигини ўрганишни тақазо этмоқда.

Шунинг учун ҳам мен Ленин ҳақидаги бугунги нутқимда одатдаги йўлдан бормасликка, яъни ҳар соҳадан бир шингилдан олиб, баъзида доҳийнинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтирмасликка қарор қилдим.

Ҳозир Ленин тафаккурининг методологияси, ҳар қандай муаммоларга унинг ёндашуви диалектикаси ва Ленин қолдирган тарихий тажрибанинг ўзининг бебаҳо аҳамиятини сақлаб қолаётган бурилиш жиҳатлари биз учун жуда долзарб бўлиб турибди.

Ленин XX асрнинг энг йирик мутафаккири сифатида биз билан биргадир, у ўз замонаси билимининг жуда катта хазинасига эга бўлиб, ижтимоий турмушнинг сир-асрорларига теран назар солди.

Ленин бирор-бир тор, айниқса ғаразгўйлик мақсадларида ҳокимиятдан фойдаланишдан юз ўгирган сиёсатчининг намунаси сифатида биз билан биргадир. Ў воқеалар ва сиёсий курашнинг ҳар қандай бурилишларида ҳам энг асосий нарсани, яъни халқ манфаатларини назардан қочирмасликка қодир бўлган сиёсатчи сифатида биз билан биргадир.

Ленин мамлакат инқилоб бўсағасига келиб қолиб ундан чўчиб турган, жуда катта, қудратли халқ кучлари бунёдкорлик билан тарихни бойитиш учун майдонга чиққан, аммо шу кучларнинг ўзи бузғунчилик стихиясига айланиб кетиши мумкин бўлган жуда мушкул вазиятда қатъий ва узил-кесил тадбирга шай бўлиб турган инқилобчи намунаси сифатида биз билан биргадир.

Ленининг тарихга таъсир кўрсатишининг сири унинг ҳаракатга келтирувчи кучларига аниқ баҳо бера олиши ва сиёсатда ҳозирги лаҳзада муқаррар, келажаги бор омилларни қўшиб олиб бориш қобиляитидадир.

Ленининг сиёсатчи ва назариётчи сифатида тез ўзгариб бораётган вазият шароитларидаги ўтиш даврлари учун диалектик салоҳияти алоҳида қимматга моликдир. Зид омилларнинг жамул-жамини қамраб олиш ва бош

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН

18 апрель куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида ўтган СССР Федерация Кенгаши билан Президентлик кенгашининг қўшма мажлисида мамлакат иқтисодиётини бошқариб туриладиган бозор хўжалиги изига ўтказиш имкониятлари ва йўллари муҳокамаси давом эттирилди.

Мажлисда Н. И. Дементей, Қ. М. Маҳкамов, В. В. Бакатин, Е. М. Примаков, И. А. Каримов, Э. А. Шеварднадзе, В. С. Шевченко, Н. И. Рижков, А. М. Масалиев, В. И. Воротников, В. А. Крючков, Г. Г. Гумбаридзе, Ч. Т. Айтматов, С. С. Шаталин, А. Н. Яковлев, В. Г. Распутин, А. И. Лукьянов, С. А. Ситарян, Г. И. Ревенко, Г. А. Арбатов, Ю. Д. Маслюков, И. Д. Лаптев сўзга чиқдилар.

М. С. Горбачев муҳокамага якун ясаб, шундай деди:

Бўлиб ўтган мунозара мамнуннят ҳиссини уйғотади. Бу мунозара назаримда, мамлакатдаги вазиятни ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларини реал баҳолаш, иш истиқболларини аниқроқ тасаввур қилиш имконини берди.

Мен бу ерда сўзга чиққан кишиларнинг тараққиётимизнинг туб масаласини муҳокама қиляпмиз, деган фикрига тўла қўшиламан. Гап Октябрдан кейин содир бўлган энг катта бурилиш тўғрисида бормоқда. Бу ишни биз жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, совет кишиларининг турмуш шароитини яхшилаш йўлида амалга оширмоқдамиз.

Тўғри, ана шу ўтишнинг ўзи осон эмас, у аҳоли турли табақаларининг аҳволига дахл қилади. Шунинг учун ҳам бошқариб туриладиган бозорга ўтиш концепцияси пухта ишлаб чиқилиши, аниқ программага айланиши керак. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш, халққа тушунарли бўладиган қатъий ижтимоий кафолатлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Бундан ташқари ана шу кафолатларни, бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида меҳнаткашлар кўриши мумкин бўлган зарарни қоплашга қодир бўлган, қарама-қарши тадбирлар механизми ишлаб чиқилмай туриб, бундай программа мутлоқо жорий этилиши мумкин эмас. Мен ана шу позицияда қатъий турибман.

Аммо, келинг, бугунги иқтисодий вазиятни ўзгартира оламизми, деб ўзимизга савол берайлик. Афтидан, ҳаммамиз бир жойда депсиниб қолиш, туб иқтисодий ислоҳот йўлидан олға бормаслик мумкин эмас, деган фикрга қўшилсак керак.

Бошқарилиб туриладиган бозор хўжалигига ўтиш концепциямиз танлаган йўлимизга, инсонпарвар, демократик социализм сари ҳаракатга мутлақо мос келади. Мазкур концепцияни илгари суриб, биз ўз тараққиётимиз йўналишларини ўзгартирмаймиз. Аммо биз социализм тўғрисидаги тушунчамизни ривожлантирамиз ва чуқурлаштирамиз, социалистик жамият тўғрисидаги кўпгина тасаввурларимизни кескин ўзгартирамиз.

Биз сусткашлик ва иккиланишга йўл қўймаслигимиз керак. Лекин бошқа жиҳат ҳам шу қадар шубҳасиздир. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига бориш йўлида биз ана шу йўналишда қўйиладиган ҳар бир қадамимиз оқибатларини яхшилаб ўйлаб, бир қанча босқичларни босиб ўтишимизга, аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли дастурини ишлаб чиқишимизга тўғри келади.

Иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришни режалаштириб, биз жамиятимизнинг ҳақиқий ҳолатини эътиборга олишимиз керак. Ислоҳотлар программаси миллионлаб совет кишилари томонидан қўллаб-қувватланиб; уларнинг манфаатларига жавоб берган тақдирдагина у муваффақиятга эришишига умид қилиш мумкин.

Шу муносабат билан маънавий-руҳий омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Неча ўн йиллар мобайнида совет кишиларини уларнинг барча муаммолари ҳал этилиши бошлиқларга, энг аввало олий ҳокимиятга боғлиқ, деб ўргатиб келишган. Мамлакат раҳбарияти зиммасига барча ишлар учун — уйжой етишмовчилигидан тортиб маҳаллий қишлоқ магазинида мих йўқлигича бўлган муаммолар учун масъулият юкланади. Одамларимиз психологиясида ўз аксини топган ялпи текисчиликка, ташаббуссизликка ва тайёрга айёрликка интилиш каби ҳолатлар шу билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлатимизнинг федератив структурасини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги туб регионал тафовутларни назарда тутиш зарур. Аҳолининг турмуш даражаси ва манфаатлари ҳамиша ҳам мос келавермайди.

Бироқ, белгиланган ислоҳотларни амалга оширишни қийинлаштирадиган омилларгагина эътиборни қаратиш нотўғри бўлур эди. Мамлакатимиз жуда катта иқтисодий имкониятга, бой табиий ресурсларга, саводли ва билимдон халққа, ривожланган илм-фанга эга. Буларнинг ҳаммаси муваффақият учун замин яратади.

Биз иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш программасини ишлаб чиқар экамиз, уни рўёбга чиқариш усуллари тўғрисида жиддий ўйлашимиз, ушбу программа, шунингдек унинг айрим қисмлари билан биргаликда бошқарув системасини аниқ-пухта ишлаб чиқишимиз зарур. Бунинг учун биз СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди тасдиқлаган тадбирлар системасини бажариш борасидаги муваффақиятсизликлардан хулоса чиқаришимиз, белгиланган тадбирларни янада чуқур илмий ишлаб чиқиш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, иқтисодчи олимлар, хўжалик раҳбарлари, республикалар, ҳокимият маҳаллий органларининг вакиллари билан кўпроқ маслаҳатлашишимиз керак. Хуллас, катта тайёргарлик ишларини амалга ошириш, бошқариладиган бозорга ўтиш босқичларини аниқ-пухта тушуниб олиш лозим.

Барча соҳаларда олға томон ҳаракат қилиш даркор: ер ислоҳотини қатъият билан амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммосини ҳал этиш, жамиятдаги кайфиятни ўзгартириш зарурлигини ҳисобга олиш керак. Биз иқтисодиётни ва айниқса истеъмол бозорини, жумладан пулнинг қадрсизлигига қарши чораларни барқарорлаштириш, давлат бюджети камомадини қисқартириш соҳасида келгуси йилга мўлжалланган барча тадбирларни бажаришимиз лозим. Шу билан бирга уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида қайғуриш: белгиланадиган тадбирларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий вазиятни вужудга келтирадиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишимиз даркор.

Ва ниҳоят, биз қайта қуриш муваффақиятидан манфаатдор бўлган барча кучларни бирлаштирмай туриб, олдимизда турган муаммоларни ҳал эта олмаймиз. Бу кучларни шунчаки расмий бирлаштириш эмас. Биз меҳнат коллективлари, жамиятимиз турли табақаларининг, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан арбоблари билан кенг маслаҳатлашиб олиш орқали қўшимча равишда шу ғоят муҳим программани узил-кесил ишлаб чиқишга ёрдам берадиган янги ғояларга эга бўлишимиз зарур.

Хуллас, биз анчагина ишларни амалга оширишимиз; иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида ҳукумат белгилаган тадбирларни рўёбга чиқаришимиз, айни пайтда бозор сиёсатига ўтиш программасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишимиз, шу мақсадда қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари мажмуасини тайёрлашимиз ва қабул қилишимиз, уларни изчил амалга оширишга киришишимиз лозим.

(ТАСС).

СССР Федерация Кенгаши билан Президентлик Кенгашининг қўшма мажлисида.

Ю. ЛИЗУНОВ ва В. МУСАЭЛЬЯН олган сурат (ТАСС-ЎзТАГ).

ТАСС ахбороти

Маълумки, СССР Президенти М. С. Горбачев билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Литва ССРда юзага келган аҳвол муносабати билан шу йилнинг 13 апрелида бундай шароитда республика билан иқтисодий муносабатлар ўзгариши муқаррарлиги тўғрисида Литва ССР Олий Совети ва Министрлар Советига хат юборишга мажбур бўлган эдилар. Афсуски, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси К. Прунскене ўзининг 16 апрелдаги телеграммасида мактубда баён этилган таклифларнинг бирортасига ҳам амалий жавоб бермади.

Литва ССР раҳбарияти Литва гражданларини камситувчи гувоҳномалар жорий этишга, ССР Иттифоқи мулкига, шунингдек СССРнинг умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунининг амал қилишига тааллуқли Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш ҳусусида ҳеч қандай чора-тадбир кўрмаганлигини ҳисобга олиб, нефть етказиб беришни тўхтатиш, шунингдек республикага табиий газ беришни турмуш ва коммунал эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур бўлган миқдоргача қисқартириш тўғрисида кўрсатма берди.

СССР ҳукумати СССР Президенти билан СССР Министрлар Совети Раисининг хатида ўртада қўйилган масалаларга аниқ жавоб кутади, чунки бу масалалар совет кишиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига тўғридан-тўғри ва бевосита тааллуқлидир.

ЛЕНИН ҲАҚИДА СЎЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

тенденцияни белгилаш уқуви, воқеалар боришининг имкони бор йўлларини олдиндан билиш ва самарали сиёсатни ишлаб чиқиш — ленинча улуғ санъат ана шудир ва буни биз қайта-қайта ўрганишимиз керак.

Владимир Ильич тавалуд топган куннинг бу галги санаси қайта қуришнинг ниҳоятда мушкул, бурилиш лаҳзасига тўғри келди. Ўзгаришлар жараёни жамиятни юксак кескинлик нуқтасига олиб келди.

Қайта қуриш ҳаётимизнинг ўзи бўлиб қолди. Қайта қуриш кўп нарсаларни, шу жумладан ўтмишимиздаги кўп нарсаларни қайтадан идрок этишга, қайтадан кўриб чиқишга мажбур этди. Одамлар манбаларга мурожаат қилишмоқда, буюк инқилоб туфайли юзага келган бу қандай жамият бўлдики, эндиликда унинг ўзи учун ҳам, бутун жаҳон учун ҳам ўшандан кам аҳамиятга эга бўлмаган инқилоб зарур бўлганлигини уқиб олишни истамоқдалар.

Ҳозир биз учун шуни англаб олиш айниқса муҳимдир, чунки XX аср тарихида қайта қуриш ўзини шундай бир воқеа сифатида кўрсатдики, уни улуғ ижтимоий инқилоблар миқёси билангина ўлчаш мумкин.

Қайта қуришнинг тарихий ўрнига, унинг ижтимоий моҳиятига баҳо берилиши муносабати билан Ленинга ёндашишда очиқ-ойдин бузғунчилик тенденцияси ҳам аниқ-равшан кўринди. Бу тенденциянинг хавфлилиги унинг ўта жўнлигидадир. «Қисқа курс» методикасидан фойдаланишдадир, бу ўринда фақат тескари ёндашув кўзга чалинмоқда, мақсад эса Ленинни Сталин билан тенглаштириш, бутун тарихимизга қора чизиқ тортиш, Октябрь инқилобини ҳам, инқилобдан кейинги барча воқеаларни ҳам бошдан-оёқ хато деб, ҳатто халқ ва инсоният олдидаги жиноят, деб кўрсатишдан иборатдир.

Ленинга бу томондан қилинаётган ҳужум КПСС ва жамиятдаги консерватив тўлқинни кучайтирмоқда. Бу билан қайта қуришнинг яширин ва ошкора муҳолифлари «ленинизм»ни сақлаб қолувчилар ролида чиқиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Ҳа, биз Ленинни, унинг назарий ва сиёсий ижодини қайта идрок этишимиз, бунда бузилишлардан ҳам, унинг хулосаларини қоидалаштиришдан ҳам халос бўлишимиз лозим. Ўтмишга тааллуқли жиҳатларни тараққиётнинг фаол элементи сифатида жамиятнинг ақл-идрок, маданият, маънавий хазинасида қоладиган жиҳатлардан ажратиш керак.

Ленинга ҳурматсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Инсон сифатида унга ўз моҳияти жиҳатидан мешчанларча, ўз нафсониятини кўзлаб туҳмат қилиш асоссиз бўлиб, бу аҳлоқсизликдир. Унинг мақсадлари олижаноблигини, режалари мусаффолигини шубҳа остига олишга уриниш беҳудадир.

Ленин номи ва сиймосига ўйламай, тутуриқсиз муносабатда бўлишга чек қўйиш пайти келди, уни «хоч»га айлантириб юборган эдилар, нега бундай қилинганлигини энди биз яхши биламиз. Аммо биздами ёки чет элдами — қаерда бўлмасин ва қандай тарзда ифодаланмасин Ленин хотирасини таҳқирлашни қатъян қоралаймиз.

Ленинни англаб етишдаги соддалаштиришни қанчалик тез бартараф этсак, унинг улуғворлигини, у нақадар замонавийлигини, ва биз учун зарурлигини шу қадар яхшироқ тушуниб оламиз. Бу эса жўн эмас. Чунки йўлбошчининг бундай образи ўнлаб йиллар давомида таркиб топган ҳамда муайян сиёсат ва мафкура учун аниқ мақсадни мўлжаллаб қилинган. Лекин шу баҳона билан чинакам Лениндан юз ўгириш — жамият ва давлат илдизига болта уриш, бизнинг ўрнимизга келадиган авлодларнинг ақл-идроки ва қалбини қашшоқлаштириш бўлур эди.

Ленинни ҳимоя қилиш — худога сажда қилиш эмас. Биз Ленинни ҳимоя қилар эканмиз, совет кишиларининг авлодлари яратган ҳамма нарсага муносиб баҳо берамиз, ҳозирги изланишларимизни, социалистик келажагимизни ҳимоя қиламиз.

Жўшқин, зиддиятли, қаҳрамонона ва фожиали Ленин даври ўтиб кетди. У ўтмишга, бизнинг тарихимизга айланди. Афсоналар ва ёлғонлардан холи қилинган ана шу тарихни билиш керак. Бу тарих сабоқ бўларли ҳамда граждан ларимизнинг ҳақиқий билим ва эътиқодига асосланган онгли, сиёсий ва маънавий маданиятини шакллантириш, ватанпарварлик ва байналмилаллик учун зарурдир.

Ленин ватанпарварлик тўғрисидаги баландпарвоз сўзларни ёқтирмас эди. У бизга ватанпарварлик ва байналмилалликни қўшиб олиб боришнинг мислсиз сиёсий ва ахлоқий намунасини қолдирди. У ҳар қандай миллий мағрурланиш ва шовинизм кўринишларининг ашаддий душмани эди. Талаб қилинганда эса великороссларнинг миллий ғуруринг ҳақиқий моҳияти тўғрисидаги машҳур сўзларини айтди (26-том, 118-123-бетлар).

Келиб чиқиши жиҳатидан дворян, тарбияси ва билими жиҳатидан зиёли Ленин халқчиллиги билан ҳайратга солар эди. Унинг учун меҳнаткашлар ҳар қандай нарсани ясаш мумкин бўлган бир бўлак лой эмас, юқоридан эҳсон кўрсатиладиган объект ҳам эмас. Лениннинг тушунишича, инқилоб ва социализм омманинг жонли ижодидир.

Бу ленинча асосий ғояни, Унинг аҳамиятини биз айниқса тушунамиз ва ҳозир, қайта қуриш бутун жамиятни уйғотган пайтда, жамиятни ривожлантиришнинг янги қонуниятлари таркиб топаётган ва ҳаёт ҳар бири кўпинча янгича қарорлар қабул қилишни талаб этаётган, мураккаб муаммоларни келтириб чиқараётган пайтда ҳаётга жорий этишга интилмоқдамиз.

Шунга қарамай, гўё партия батафсил ўйлаб кўрилмаган режаларсиз қайта қуришга киришди, кейинги йилларда юз берадиган воқеаларни олдиндан кўра билмади, деган таъналарни эшитишга тўғри келмоқда. Бировлар бу ишни олдинроқ қилиш керак эди дейишса, бошқалар фалон ва фалон ишларни умуман қилмаслик керак эди ёки ундай эмас, бундай қилиш керак эди демоқдалар. Эскича ёндашувларни қўмсаш — янги турмушни схемаларга жойлаштириш, реалликни ҳисобга олмай, уларни халққа тиқиштириш ҳам бор.

Ахир буларнинг ҳаммаси нималарга олиб келгани бизга маълум. Схемалар кашф этилар, жамият устига қоплонар, унга сиғмаган нарсалар эса ёт ва душманлик деб қирқиб ташланиши лозим эди. Ҳаводан, ҳаракатдан маҳрум этилган жамиятнинг бутун организми бўшашиб кетган эди. Ғоялар ҳам, ижтимоий руҳият ҳам, омманинг онги ҳам бузилган эди.

Биз қайта қуриш йўлига ўтиб, ана шу сабоқни яхши эсда тутишимиз ва одатдаги васвасага учмаслигимиз — кабинетларда ўтириб, бизни ҳамма нарсадан даволай оладиган ва жамиятга соғломликни қайтариб берадиган рецептларни ўйлаб чиқармаслигимиз керак. Биз тайёр рецептларга жуда ўрганиб қолганмиз.

Умуман ҳамма нарса олдиндан белгилаб қўйилган турмушни қўмсашни тушуниш мумкин: маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси узоқ йиллар ҳукмронлик қилганидан сўнг биз «кўрсатмалар касаллиги»дан ҳеч даволана олмаяпмиз, сийқа фикрлаш ва ҳамма ишни кўрсатмага мувофиқ қилиш одатидан қутула олмаяпмиз.

Социализм омманинг жонли ижодидир. Ана шу маълум таърифни ўйлаб кўрайлик. Омманинг ижоди шу қадар хилма-хил ва унинг қандай бўлишини олдиндан айтиб бўлмайдики, бу ижодни олдиндан қандайдир схемага жойлаштириб бўлмайди. «...Ўнларча миллион ижодкорларнинг ақл-идроки энг буюк ва гениал кароматдан ҳам беқиёс баланд нарсани вужудга келтира олади» (35-том, 312-бет).

Қайта қуриш ҳар бир кишига ўзини эркин ҳис этиш ва тарихда иштирок қилиш имконини беради. Унинг ҳалос этувчи аҳамияти ана шунда, бутун мамлакат учун ниҳоят ўзининг қудратли имкониятини рўёбга чиқаришга буюк имконият ҳам ана шунда.

Режалар ва лойиҳалар зарур. Уларга Ленин нақадар катта аҳамият берганини исботлашга зарурат йўқ. Лекин у режалар ва лойиҳалар реал жараёнларни ва омманинг ҳаракатларини назарий жиҳатдан идроклаш натижаси бўлсагина, фақат шу ҳолда улар ҳаётий, самарали бўлади, деб ҳисобларди.

У партияни ўз режалари ва программаларини халқнинг орзулари ва кайфиятлари билан ҳамиша қиёслаб боришга даъват этарди, акс ҳолда ҳар қандай сиёсат, назарий жиҳатдан тўғридек кўринган сиёсат ҳам беҳуда бўлиб чиқиши мумкин. Зотан у «...маслаҳатлар миллионларча кишиларнинг ўз турмуш тажрибаларига мос келмаса, улар партиялларнинг маслаҳатига ҳеч вақт қулоқ солмайдилар» (32-том, 201-бет) деб огоҳлантирган эди.

Шунинг учун ҳам марксизм Ленин учун ҳеч қачон ақида бўлмаган. У эндигина иш бошлаган кезларда қуйидагиларни ёзган эди: гап классиклар чиқарган «илгариги хулосаларни ёдаки тақрорлай беришда» эмас, балки «янги сиёсий аҳволни таҳлил қилиш учун марксистча текшириш усулларидан фойдаланишдадир» (7-том, 272-бет). Ленин тарихий тараққиётнинг бурилиш лаҳзаларида амалга оширган жуда катта бурилишларни идрок этиб олишнинг калити худди ана шундадир.

Бундай бурилишларнинг ҳар бири осонлик билан рўёбга чиққани йўқ. Ўзи билан ўзи курашибгина қолмай, сиёсий душманлар билан курашибгина қолмай, Ленинга гоҳо «принципларни унутди», ҳатто «марксизмдан чекинди» деб таъна қилаётган партиядош ўртоқлар томонидан бўлаётган жуда кучли тазйиқни ҳам ҳис этишга тўғри келди. Уларга жавоб бериб, Ленин бундай деб ёзган эди: агар тарих одими кутганимиздан кўра бошқачароқ, оригиналроқ, ўзига хосроқ, ранг-баранг-роқ таркиб топган бўлса, «янги, жонли воқеликнинг хусусиятини **ўрганиш** ўрнига, **ёдлаб олинган** формулани бемаънилик билан такрорлайвериб, партиямизнинг тарихида бир неча марталаб қайғули роль ўйнаган «эски большевиклар»га ўхшаб кетиш керак эмас (31-том, 151-бет). Бундай кишиларни «революциядан олдинги «большевистик» ссор-атиқалар архивига («эски большевиклар» архивига дейиш мумкин) топшириш керак». (ўша том, 151—152-бетлар).

Революциядаги ўзига бино қўйган нозик-ниҳолларга истеҳзо билан ҳамла қилиб, Ленин қуйидагича огоҳлантирган эди: «бундай кишиларнинг сўзларини жиддий сўз деб биладиган революция тамомила ҳалок бўлиб кетар эди (ва бу тамомила қилмишига яраша бўлар эди ҳам), дейиш керак» (36-том, 340-бет).

Мен бу ўринда ўз нутқимнинг шу қисмида биз учун ниҳоятда долзарб бўлган мавзудаги Ленин мулоҳазаларининг ўзига хослигини ҳис этиш мумкин бўлиши учун атайлаб кўп кўчирмаларни тилга оляпман.

Ленинга туб бурилишларда ҳаттё ўз ҳамкасблари билан тўқнашишга ҳам, кўпчиликнинг фикрига қарши қатъият билан чиқишга ҳам тўғри келган эди. Брест сулҳи бунинг ёркин мисолидир. Янги иқтисодий сиёсатга ўтишда ҳам худди шунга ўхшаш ўткир вазият вужудга келган эди. Ўша йиллардаги воқеаларнинг қатнашчиси бўлган киши партия раҳбариятидаги мажлислардан бирини таърифлаб қуйидагиларни ёзган эди: аввалига Лениннинг фикрига, ҳойнаҳой Красин билан Цюрупагина қўшилишган эди. Бошқа барча кишилар ё сукут сақлашар ёки ўжарлик қилишарди. Ленин қуйидагича жавоб берган эди (айнан келтираман): «кўзингизга тикилиб қарасам, сиз ҳаммангиз, гўё менинг фикримга қўшилгандек туюласиз ва ҳа, деб турасиз, ўгирилганимда эса, йўқ дейсиз. Сиз мен билан бекинмачоқ ўйнаяпсиз. Ҳамонки шундай экан, мен ҳам сиз билан парламентларда расм бўлган ўйинни бошламоқчиман. Парламентларда ҳукумат бошлиғига ишончсизлик билдирилганида, у истеъфога чиқади. Брест сулҳи тузилаётганида сиз менга ишончсизлик билдирган эдингиз, ҳолбуки эндиликда ҳатто нодонлар ҳам менинг сиёсатим тўғри бўлганлигини тушуниб турибдилар. Эндиликда сиз яна бир карра янги иқтисодий сиёсат тўғрисидаги масала хусусида менга ишончсизлик билдирмоқдасиз. Мен бундан парламентларда қабул қилинган хулосаларга келаман ва икки олий идора — Бутуниттифоқ Марказий ижроия комитети ва пленумга истеъфога чиқаётганимни айтаман...»

Пировардида Лениннинг фикри ва ҳаёт мантиқи устун чиқди: янги иқтисодий сиёсат партиянинг сиёсатига айланди.

Лениннинг назарияга меҳри нечоғлик тушган бўлмасин, ҳаёт нуқтаи-назарнинг ўзгаришини талаб қилганида, ҳар қандай фаразларни ва муқаддасдек кўринган ақидалар билан ҳисоблашмай, унинг ибораси билан айтганимизда, марксизмнинг «жони бўлган» конкрет вазиятнинг конкрет таҳлилини дастур, деб билар эди. (41-том, 149-бет).

Ленин сабоқлари ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, қуйидагиларни ёдда тутиш лозим бўлади: у шафқатсиз, зўравонлик қон-қонига сингиб кетган даврда яшади, бу даврда революционерлар, ҳатто улар орасидаги энг катта инсонпарварларга ҳам, бир ишчи большевикнинг ифодали ибораси билан айтганимизда, «қалбни қанотидан ушлаб туришига» тўғри келган эди.

Ҳозир кўпинча, умуман Октябрь инқилобининг ўзи зарурмиди, деган гапларни эшитишга тўғри келмоқда. Россия февраль инқилоби билан «қаноат қилса» яхшироқ бўлмасмиди? Ўтмишга нисбатан бемаънигарчилик бўлган ана шундай мулоҳазалар, одатда, ғоявий-сиёсий курашда сафсатабозлик мақсадини кўзлайди. Буларнинг таъзирини берадиган нарса фактлардир.

Шубҳасиз, февраль инқилоби — Ватанимиз тарихидаги энг йирик воқеадир. Аммо шуниси ҳам борки, буржуа-меньшевиклар ҳукумати Россия революциясининг тинчлик, нон ва ер тўғрисидаги бош масалаларни ҳал этмади. Мамлакат умуммиллий ҳалокат чоҳига яқинлашиб қолган эди. Ленин, кейинчалик большевиклар атайлаб «мамлакатни қон қақшатишди», деган айбларни рад этиб бундай деган эди: «Агар сиз (яъни меньшевиклар ва эсерлар) чиндан ҳам социал реформа қила бошлаганингизда эди, дунёда революцияга қўшиладиган лоақал битта ҳам ахмоқ топилармиди? Нима учун сиз шундай қилмадингиз ? (40-том, 206-207-бетлар).

Ленин гражданлар уруши чиқиб кетмаслиги учун ҳар жиҳатдан ҳаракат қилди. Корнилов исёнидан кейин кўп ўтмасдан большевиклар бошқа социалистик партияларга муроса йўлини таклиф этдилар: большевиклар ҳукуматда иштирок этишни даъво қилмайдилар ва «ҳокимият пролетариат ва камбағал деҳқонлар қўлига ўтсин, деган талабни дарҳол қўйишдан, бу талаб учун курашнинг революцион методларидан воз кечиш»лари (34-том, 158-бет) мумкин бўлур эди. Меньшевиклар билан эсерлар буржуазия партияларисиз «Советлар олдида бутунлай ва мутлақо масъулиятли бўладиган ҳукумат тузиш»лари (34-том, 158-159-бетлар) мумкин бўлур эди... бу эса... «революциянинг тинч йўл билан олға босишини, Советлар ичидаги партиялар курашининг **«тинч йўл билан бартараф бўлишини»** (34-том, 159-бет) таъминлаган бўлур эди.

Буларнинг ҳаммасини ҳозир эслатиб қўйиш лозим бўлади, чунки шу кунларда баъзилар бехабар бўлганликлари оқибатида, бошқалар эса атайлаб воқеалар силсиласидан айрим лавҳаларни, фактларни, ҳужжатларни юлиб олиб, Ленин зўравонликка мойил эди, деб даъво қилмоқдалар. Ленин ҳамиша имкони борича сиёсий қарорлардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Ҳатто бутун бир ленинча «муросалар назарияси» ҳақида ҳам гапириш эди. «Мақсадимизда кишиларга зўравонлик қилиш нияти» йўқ (30-том, 146-бет). Бу — Лениннинг сўзларидир. Кимки ҳақиқатан ҳам Ленинни уқуб олишни истаса, худди ана шунга синчков назар солиши лозим.

Келтирилган мисол тарихдаги чинакам фактларга мурожаатгина эмас, чинакам Ленинни англашни қадрлашгина эмас. Биз учун бу ҳозир бошқа жиҳатдан ҳам жуда муҳим.

Мамлакатда инқилобий қўзғалиш юз бермоқда, мамлакат яна ўз тарихида адолат ва фаровонликни излаб, баланд довон орқали ўтмоқда. КПСС таклиф қилган ва халқнинг кўпчилигини руҳлантириб юборган қайта қуриш сиёсати объектив тарзда жамият олдида пайдо бўлган инқилобий вазифаларга ўхшашдир. Ана шу сиёсатни амалга ошириш усуллари мамлакатдаги туб ўзгаришлар жараёнини халқнинг аҳиллиги ва жипслашуви асосида демократия жараёни доирасида ушлаб туришга, зўравонлик, қурбонлар бўладиган, қон тўкиладиган гражданлик бошбошдоқлигига ва миллатлараро можароларга йўл қўймасликка қаратилган. Шунга қарамай, баъзи жойларда воқеалар ана шу доирадан четга чиқиб кетмоқда. Афсуски, биз бунинг оғир оқибатларига дуч келдик.

Ана шундай вазиятда мен савол бераман: ҳамма вақт гражданлар уруши шарпаси тўғрисида гапириб, аслида одамларни бундай уруш тўғрисидаги фикрга кўниктираётган кишилар, жамиятда ва миллатлар ўртасида муҳолифликни авж олдираётган кишилар, бошқаларга нисбатан сабр-тоқатли бўлмасликни, нафрат уруғини сочаётган, ўнгда ҳам, сўлда ҳам «душманлар образи»ни вужудга келтираётган кишилар бу ишлар қаёққа олиб боришини тушунадиларми? Ёки онгли равишда бошбошдоқликни, ишга путур етишини хоҳлайдиларми?

Ақл-идрок мантиқига мувофиқ ҳаракат қилиш зарур: ҳокимият турмушнинг барча соҳаларида ислоҳотни олға силжитиши, жамиятни жипслаштириш учун шароит яратиши, қонунни қатъий ҳимоя қилиш лозим. Ғаразли мақсадда осон йўл билан обрў топишга уриниш, демократия ва ошкораликни суиистеъмол қилиш одамларни бузғунчилик, вайрон қилиш ҳаракатларига бошлайди.

Бундай ҳаракатлар нимага олиб бориши мумкин? Бизнинг мамлакатимиз каби мамлакатда сиёсат билан шуғулланиш учун ўз тарихини яхши билиш лозим ўртоқлар! Социализм тўғрисидаги ҳозирги мунозараларда, унинг янги қиёфасини излашда биз Лениннинг социализмга қарашлари эволюциясига мурожаат қилиб, кўп нарсани яхшироқ тушуниб олишимиз мумкин.

Ленин келажак тўғрисидаги турли фантазиялар, уни қандайдир муайян шаклда тасаввур этишга уриниш ҳусусида Марксдан катта эҳтиёткорликни ва масъулиятни ўрганди. Ишчилар ҳаракатида эса тазйиқ мунтазам сезилиб турарди: конкрет мақсадларни беринг-из, биз ўзимиз курашаётган жамият қиёфаси қандайлигини айтиб берингиз, дейилар эди. Социализм тўғрисида омма томонидан кутилаётган, кўп жиҳатдан мавҳум-назарий тасаввурга тан беришни Лениннинг Октябрь арафасида ёзилган «Давлат ва революция» деб аталган ажойиб асарида сезиш мумкинлигини очиқ айтамиз. Лекин 1918 йил баҳорида Ленин инқилобнинг муайян амалий тажрибасига эга бўлиб, унинг муҳим сабоқларини ҳисобга олиши мумкин бўлган пайтда «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида у социализм тўғрисида янгича мулоҳаза юрита бошлайди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш чоғида Ленин 1918 йил март—май ойларида ёзилган ана шу китобча ва мақолани эслаганлиги ва уни бир неча бор тилга олганлиги бежиз эмас. Ўша вақтдаёқ сўл коммунистлар билан баҳсларда иқтисодий қурилишнинг «ислоҳотчилик», «аста-секинчилик» усулларини социализмга ўтишнинг шаклларини излаш зарурлигини таъкидлаган эди (43-том, 230-247-бетлар; 44-том, 225, 256, 257-бетлар; 44-том, 179, 252, 256-бетлар). Бу факт Лениннинг реализмини — унинг сиёсатчи ва назариячи сифатидаги асосий фазилатини яна бир бор тасдиқлайди. У «доктриналарни» тиқиштириш орқали «социализмни жорий этиш» тўғрисида эмас, ҳаётни изга солиш, инқилоб вужудга келтирган мутлақо янги шароитда мамлакатни бошқариш тўғрисида ўйлаган эди, халқнинг энг муҳим манфаатлари тўғрисида ўйлаган эди.

Гражданлар уруши унинг янги жамият қуришнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини излашини тўхтатиб қўйди, воқеаларнинг бориши эса тезкорлик билан коммунизмга кириш умидларини улоқтириб ташлади.

Лениннинг социализм тўғрисидаги фикрларининг асосий бойлиги, унинг социалистик ғояни ишлаб чиқишга қўшган асосий ҳиссаси унинг янги иқтисодий сиёсат билан боғлиқ сиёсат ҳақидаги асарларида ва, албатта, «васияти»да баён қилинган. Айни шу ерда социализм назарияси устида Ленин олиб борган ишларнинг янги босқичи бошланади.

У тўпланган тажрибани, жамиятдаги реал ҳолатни ва кайфиятни таҳлил қилиб, қандай йўналишда фикр юритганлигини билиб олиш учун ақлни яна кўп ишлатиш талаб қилинса керак. Унинг мулоҳазалари ва хулосалари мантиқини ғоят тарихий аниқликда тиклашимиз лозим бўлади.

Маълумки, кейинчалик Ленин «бевосита коммунистик ишлаб чиқариш ва тақсимлашга ўтишга» интилишни хато деб атаган эди (44-том, 174, 180-181-бетлар). Лекин шундай савол туғилади: бу гаплар 1918—1920 йилларда ўтказилган сиёсатга нисбатан айтилган эдику? Аммо Лениннинг ўзи кўп марта айтганидек, бу сиёсатни энг аввало шафқатсиз гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси, вайронагарчилик, очлик, ижтимоий алоқаларнинг тўла барбод бўлиши хавфи вазияти тақозо этган эди. Ёки гап бошқа каттароқ нарса ҳақида борганмиди? Чамаси, у капитализмдан социализмга ўтишнинг бутун концепцияси тўғрисида, Марксдан кейин бу концепция қандай таркиб топганлиги ҳақида ўйлаган эди.

Ленин бу соҳада жуда катта иш қилди, бироқ Россияда янги жамиятга ўтишнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишга улгурмади. Лекин яна бир бор чуқурроқ ўйлаб кўрадиган вақт келди — ўша вақтдаги партия ва жамияттаги сиёсий кураш жиҳатидан қараганда янги иқтисодий сиёсат унинг учун фақат нафасни ростлаб олиш учун тактика эдими ёки бу жаҳон цивилизацияси тақдирида Октябрь ва янги Россиянинг ўрнини қайта идрок этишга ёндашувмиди, «жаҳон инқилоби» ғалаба қилишига умид ўзини оқламагандан сўнг социалистик ғояни янги мазмун билан тўлдиришмиди?

Ленин ҳаётининг сўнгги йилларида қилган ишларига, унинг ёзганларига, нималарни танқид қилгани, нималарга қарши чиққани ва нималарни ҳимоя қилганига янгича қарайдиган бўлсак, буларнинг ҳаммасида энг асосий жиҳатларни ажратиб олишга уриниладиган бўлса, чамаси шундай таърифлаш керак: булар социализмни ҳамда шафқатсизлик ва нафрат билан тарқоқ ҳолга келиб қолган одамларни бирлаштиришни янгича тушуниб етишни, уларни бунёдкорлик ишига ёки ҳозир бизнинг иборамиз билан айтганда, ана шу ишда қатнашишга тайёр бўлган барча одамларни жипслаштиришни, Россиянинг ижтимоий адолат ва меҳнат аҳлининг бахт-саодати сари интилишида унинг маданий ривожланишига кўмаклашишга жалб этишни янгича излашдир.

Барча деҳқонлар билан «тўғри муносабатда бўлиш» улар билан бирга ҳаракат қилиш ғояси шундан келиб чиқади. Зиёлиларни ва мутахассисларни, умуман халқ танлаб олган йўлга қўшилишга тайёр турган барча кишиларни янги ҳокимият томонига жалб этишга интилиш шундан келиб чиқади. Жаҳон цивилизациясининг барча ютуқларини сўзсиз ўзлаштириш ғояси, сиёсий кураш оғирлиги марказини синфлар ўртасидаги муносабатларни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ўз маданиятини ҳам қамраб оладиган кенг маънодаги, режали олиб бориладиган «маданий» ишга ўтказиш ғояси ҳам шундан келиб чиқади. Иқтисодий тараққиётнинг бозор, савдо, молия, капитал, шу жумладан концепциялар орқали чет эл капитали каби воситаларини эгаллашга қатъий талаб шундан келиб чиқади. Халқаро ишчилар ҳаракатидаги Октябрь инқилобини қабул қилмаганлар билан битимга эришишга уриниш шундан келиб чиқади. Тинч-тотув яшашни, Ғарбнинг буржуазия лагеридаги «жаҳон партияси» билан «ёнма-ён яшаш»ни кўзлаш ана шундан келиб чиқади.

Аслини олганда гап Октябрь инқилобидан теранлиги жиҳатидан кам бўлмаган ва шуниси айниқса муҳимки — **тинч йўл билан, жамиятнинг аста-секин социалистик асосларда ўзини ислоҳ қилиши истиқболини очиб берадиган** инқилоб ичидаги инқилоб тўғрисида борарди.

Ленин 1921 йилда ўртага қўйган ва фақат мамлакат тараққиёти истиқболи билан эмас, шу билан бирга жаҳон сиёсати билан ҳам бевосита боғлаган «граждан тинчлиги» ғоясини айни шундай талқин этиш мумкин (44-том, 88, 90-бетлар).

Афсуски, Ленинга тинч шароитда янги жамият қурувчиси сифатида жуда қисқа муддат берилган экан. Сафдошлари унинг социализмга қарашидаги туб ўзгаришларни чинакамига тушуниб етмадилар ва баҳолай олмадилар. Унинг сўнгги баъзи маслаҳатлари (уларни амалга ошириш мамлакатнинг шундан кейинги бутун тараққиётига ва социализм тақдирининг ўзига ҳам ҳал қилувчи даражада таъсир этиши мумкин эди) эса бутунлай эътиборга олинмади. Бу бузилишларга ва кўп фожиаларга олиб келди.

Ленин ўз ҳаётининг охирида пайқаган ва кўрган вазифаларни ҳеч ким бизнинг давримизга, қайта қуришга олиб ўтмоқчи эмас, унинг ғояларини биз учун бевосита кўрсатма демоқчи эмас, албатта. Лекин миқёслари, характери, тафаккур усули жиҳатидан булар ўхшаш вазифалардир.

Бундай қиёслашни асосли қиладиган энг умумий принципиал жиҳати шундан иборатки, ҳозир ўша вақтдаги каби гап, яна такрорлайман, инқилоб ичидаги инқилоб тўғрисида, янги жамият томон ҳаракат қилишнинг реалистик йўли тўғрисида, танлаб олинган социалистик йўлни амалга оширишнинг энг самарали шакллари тўғрисида бормоқда.

Айни шу сабабли биз қайта қуришни режалаштириб ва уни бошлар эканмиз, аввало Лениннинг сўнгги асарларига мурожаат қилдик. Бу асарлар биз қийин бўлса ҳам, тўғри йўлга ўтаётганлигимизга ишончимизни мустаҳкамлади. Қайта қуришнинг реал сиёсатини эса бизнинг конкрет шарт-шароитларимиз белгилаб берди, албатта. Шунга қарамай, гап ўтиш даври тўғрисида, янги жамият ҳақида бораётганлиги учун принцип жиҳатидан эмас, ўзгартириш ишларининг асосий йўналишлари жиҳатидан ҳам Ленин даврига ўхшатиш ўринлидир. Ўшанда бўлгани каби ҳозир ҳам янги иқтисодиёт зарур, сиёсий системани қайта ташкил этиш зарур, чинакам федерал давлат зарур, деган масала кўндаланг бўлди.

Ҳозир партиямиз ана шу муаммолар устида ишламоқда. Олий Совет, Президент, ҳукумат шу муаммоларни ҳал қилиш билан банд. Самарали иқтисодий сиёсатни ва тўлақонли бозорни ишлаб чиқиш — Ер тўғрисидаги Қонун асосида ер ислоҳоти ўтказиш, деҳқонларни ерга қайтариш, уни тўла ҳуқуқли хўжайинга айлантириш билан бирга асосий вазифа бўлиб турибди. Одамларнинг эҳтиёжларини қондиришда, турмушини яхшилашда бурилишни таъминлай оламизми — бу ана шу вазифаларни қанчалик қатъий ва изчиллик билан ҳал қилишимизга боғлиқ. Худди шу мақсадда Президент ҳокимияти иқтисодий ислоҳотни кучайтириш билан яқиндан шуғулланмоқда. Бутун тараққиётимизнинг туб масаласи шу билан боғлиқ. Гап базисда, бинобарин устқурмада, жамиятнинг барча муассасаларида ҳам асосли ўзгартишлар қилиш концепцияси тўғрисида бормоқда.

Кўзда тутилаётган ўзгартишларнинг йўналиши қандай, у танлаб олинган йўлга, қайта қуришнинг стратегик йўл-йўриқларига, инсонпарвар, демократик социализм сари ҳаракатимизга мос бўлиб тушадими?

Мен шундай жавоб қиламан. Ҳа. Мос келади. Мулкчиликнинг ислоҳ қилинган муносабатларига асосланган бозор, хўжалик юритишнинг янги шакллари социализмга қарама-қарши келмайди. Чунки социализм — эркинлик, халқнинг жўшқин ижоди, ижтимоий адолат ва ҳимояланиш, халқ фаровонлигидир. Бу билан биз социалистик жамият тўғрисидаги кўп тасаввурларимизни тубдан ўзгартирамиз, социализм моҳиятини тушуниб етишимизга олға томон ҳаракат қиламиз. Бу эса ўз навбатида амалий ишимизни енгиллаштиради.

Биз тўғри йўлни танлаяпмиз. Қайта қуришнинг ўзи доирасида бизнинг нуқтаи-назаримизнинг туб ўзгариши ана шундай. Бу ночорликдан амалга оширилаётган тадбирлар эмас, балки социализмнинг янги иқтисодиёти сари изчил қадам қўйишнинг пухта ўйланган программасидир.

Ҳаммамиз ҳис этганимиздек, сиёсий ислоҳотда ҳам жуда катта янгиликлар бор. Республика ва маҳаллий Советларга қайта қуриш асосида дастлабки сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар сиёсий ислоҳотни Совет давлатининг ҳамма жойига етказди. Совет ҳокимияти органларида янги одамлар пайдо бўлди, янги депутатлар корпуси вужудга келмоқда. Бу корпус ўз сайловчилари билан бевосита, жонли мулоқотда қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишга тўғри келади.

Бу соҳада ҳам биз тўғри йўлдан боряпмиз. Лекин вазиятни соддалаштириш мумкин эмас. Кўпгина Советларда раҳбарликка сиёсатда тажриба орттирмаган, бу муаммоларнинг барчасини, ўзларига ишониб топширилган территорияда юз берадиган ҳамма нарса учун реал масъулият қандайлигини ҳали яхши билмайдиган одамлар келишди. Бунинг устига, кўпгина белгиларига қараганда, сайловлар ва митинглар кампанияси энди орқада қолганлигини янги Советлардаги одамларнинг ҳаммаси ҳам ҳали тушуниб олгани йўқ. Одамлар қарорлар ва аниқ-равшан ишларни кутишмоқда. Қийин ишларни амалга оширишимиз, Ленин сўзлари билан айтганда, «меҳнаткаш омманинг худди соҳилдан ошиб-тошиб, ҳайқириб ётган кўклам тошқини сингари жўш уриб турган митингчилик демократизмини иш вақтида **темирдек маҳкам** интизомга риоя қилиш... билан бирга қўшиб олиб боришимиз» керак бўлади (36-том, 230-бет).

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Қонун Советларга мустақил, чинакам давлат фаолияти учун моддий базани яратиб беради.

Советлар одамлар ишонадиган ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишда, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда таянишлари мумкин бўлган чинакам нуфузли ва қобилиятли кучга айланмоғи лозим.

Улар ўз мустақиллигини қарор топдирар эканлар, шу билан бирга ўзларини мамлакатда олий ҳокимиятгача етиб борадиган яхлит системанинг бир бўғини деб ҳис этишлари, ҳамиша ёрдам ва эътиборга умид қилишлари мумкинлигини ҳис этишлари муҳимдир.

Хуллас, янги шароитда биз халққа хизмат қилишда энг демократик ва энг самарали ҳокимият — Совет ҳокимиятининг чинакам ленинча руҳини қайта тиклашимиз лозим.

Мамлакатимизда янги жамиятнинг учинчи ҳал қилувчи жиҳати — кўп миллатли давлатнинг федератив тузилишидир. Лениннинг тажрибасида, жумладан, унинг Россия инқилоби учун ғоят муҳим ҳисобланган ана шу масалага қарашларининг эволюциясида сабоқ бўларли жиҳатлар кўп.

Ленин жаҳон урушигача кўпчилик марксистлар каби капитализм вужудга келтирган бирлаштирувчи тенденцияга иқтисодий жиҳатдан илғор тенденция деб қараб, федерацияга ва маҳаллийлаштиришга салбий муносабатда бўлган эди (24-том, 165-бет). Бунда у марказлаштирилган давлатда қолишни истамаганларнинг ажралиб чиқиш ҳуқуқини ҳамиша қатъий ёқлаб келган.

Бироқ уруш вақтида авж олган миллий ҳаракатлар муносабати билан ва айниқса, Россияда бошланган инқилоб муносабати билан Ленин ўз нуқтаи назарини тубдан ўзгартиради.

Миллий қурилишга нуқтаи назардаги бу ўзгаришни ҳам Брест сулҳи ва янги иқтисодий сиёсат билан бир қаторда **Лениннинг буюк бошоратлари** қаторига қўйиш керак деб ўйлайман. Маълумки, унинг шу масала хусусида ҳам сўнгги кунларгача фақат душманлар билан эмас, балки партиядаги сафдошлари билан ҳам ўткир кураш олиб боришига тўғри келди.

Октябрнинг ғалабаси ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини амалий масала қилиб қўйди. Миллатлар ва элатларнинг биргаликда яшашини йўлга қўймай туриб, Россияда янги жамият қуришни тасаввур этиб бўлмасди. Лекин буюк чор давлатига қарши қаратилган улуғ халоскорлик инқилоби билан бир вақтда табиийки кучли марказд

ЛЕНИН ҲАҚИДА СЎЗ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Биз КПСС XXVIII съезди арафасида турибмиз. Тарихнинг ўзи партия тўғрисидаги масалада ҳам аҳамияти жиҳатидан Ленин раҳбарлигида тузилган «янги типдаги» партияга қиёсан бурилиш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳозир коммунистлар ва бутун жамият қизғин ва танқидий муҳокама қилаётган КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури, Устав лойиҳаси Коммунистик партия тараққиётида принцип жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Масалани бу тарзда қўйиш билан ленинча партия анъаналари ўртасида қандай боғлиқлик бор? Аввало — партия тараққиётининг мамлакатдаги ва дунёдаги объектив вазиятга қараб ўзгаришидир. Биз фақат партия бирлиги тўғрисидаги резолюция муносабати билан эсга оладиган РКП(б) X съездида «Партия қурилиши масалалари хусусида» бошқа резолюция ҳам қабул қилинган эди. Унда «партия ташкилотининг мутлақо тўғри, революцион жараённинг ҳамма босқичлари учун ярайдиган формаси ва, шунингдек унинг мутлақо тўғри иш методлари»нинг бўлиши рад этилган, аксинча, у ерда «ташкилот формаси ва иш методлари муайян тарихий вазиятнинг хусусиятларига ва бу вазиятдан бевосита келиб чиқадиган вазифаларга қараб...» белгиланиши ҳақида гап боради (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981, 2-том, 211-бет).

Гражданлар урушидан кейин тинч давр бошланиши билан партиянинг янги ҳолатга ўтиши, айниқса оғриқли кечди. Буни ҳам тушунса бўлади, чунки партия эндиликда давлат ҳокимиятига, бунинг устига пролетариат диктатурасига асосланган давлат ҳокимиятига қўшилиб кетган эди. Даврнинг хавфлилиги ўткир сезилиб турарди, резолюцияда айтилганидек, партияда «марказлаштириш бу ташкилотнинг бюрократлашишига ва оммадан узилиб қолишига йўл очиб берган эди» (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари, 2-том, 214-бет); Гражданлар уруши чоғида якка ўзи ҳукмронлик қилган партия комиссарчасига ҳаммага буйруқ беришга ўрганиб қолди; зарурий имтиёзлар ҳар хил суиистеъмоллар учун замин бўлиб қолар эди; шу кезда «партия маънавий ҳаёти»нинг заифлашиши бошланди. Ҳуллас, буларнинг ҳаммаси «партиянинг ички кризисига сабаб бўлди». Буларнинг ҳаммаси резолюциядан олинган сўзлардир (Ўша тўплам, 2-том, 214-бет).

Съезд партия ички демократиясини кенг кўламда ривожлантиришни мушкул аҳволдан қутулиш йўли, деб билди. Лениннинг сўнгги асарларидан биз шуни биламизки, у партия оммасини, партия қуйи ташкилотларини жалб этиб, партияга мамлакатдаги янги вазиятга мос келадиган янги қиёфа бахш этиш, ҳалокатли тенденцияларни тўхтатиш усулини зўр бериб қидирди.

Аммо, афсуски, унинг ўзи ана шу режаларни амалга оширишда иштирок этолмади. 20-йилларда партияда зарур ўзгартишлар қилиш керак бўлиб қолганида бу ишни амалга оширишни Сталин ўз қўлига олди. Бу эса партияга ҳам, жамиятга ҳам, социализмга ҳам кулфат келтирди. Қисқа муддат ичида партия аслида буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасининг таркибий қисми ва қуролига айландики, бунинг оғир оқибатлари ҳозир ҳам сезилиб турибди.

Бундан чиқариладиган хулоса шуки, ҳозир партия ички ҳаётида ленинча нормаларни шунчаки тиклаш билан кифояланиб бўлмайди. Бутун мамлакат ҳаётини қайта қуриш беқиёс кенг кўламли вазифани ўртага қўйди.

Жамиятга ошкоралик, ҳуқуқий давлат, снёсий фикрнинг хилма-хиллиги шароитида фақатгина демократик методлар билан иш кўрадиган, социалистик йўлни танлаб олган авангард партия зарур. Партия ана шу янги шароитларда ишлаш қобилиятига эга бўлибгина инсонпарвар, демократик социализм сари илгарилаб боравериши барча ижтимоий қатламларни ва турли миллатларни жипслаштириб, халқнинг кўпчилигини ўзига эргаштириши мумкин.

Оммани ўзи ҳақлигига ишонтириш бобида КПСС улуғ анъаналарга эга. 1917 йилда ана шу партия бир неча ой деганда халқнинг жуда кенг оммаси меҳри ва мададига сазовор бўлди. Халқ большевиклар изидан борганлигини Ленин изоҳлаб берганидек, «Большевиклар моҳирлик билан агитация қилганлари учун халқ уларга эргашгани йўқ... Гап шундаки, большевикларнинг агитацияси тўғри агитация эди». (40-том, 81-бет). Февраль инқилоби мамлакат бошига тушган кулфатлардан сира ташвишланмай, фақатгина ўзининг шахсий даъволари ва снёсий амалпарастликка интилаётгани билан ажралиб турган анчагина снёсатдон ва сафсатабозларни снёсий ҳаёт саҳнасига чиқарди. «Халқ ҳазрати олийлари», «халоскор халқ» деб, ишчилар, деҳқонлар, аскарлар шанига ҳамду-сано айтилиб миллионлаб сўзлар тилга олиндики, ўша халқнинг боши айланиб кетди.

Омманинг снёсий жиҳатдан камолга етмаганидан фойдаланиб қолишга уриниш ҳамда алдаш, хушомадгўйлик, сафсата, миллионларча ваъдалар, сариқ чақалик садақалар ёрдами билан оммани очиқ-ойдин чалғитишга уринишларнинг (31-том, 179-бет) ҳаммасини Ленин рад этди. «Биз қаллоблар эмасмиз... — деган эди у... ҳамма революцияларни барбод қилган бирдан-бир нарса қуруқ гапдир, революцион халққа хушомадгўйлик қилишдир. Бутун марксизм: революцион гапбозликка учмаслик керак. Бундай революцион гапбозлик айниқса авж олиб кетган пайтда унга учмаслик керак, деб таълим беради (31-том, 122-бет).

Хўш, кейинчи? Февралдан Октябрга қадар, яъни мутлақо ўз эрки билан йўлни танлаб олиш ва жуда кўп партиялар орасидаги ўткир муҳолифлик шароитида большевиклар партияси бир нечта ўн минг кишидан юз минглаб кишига ўсди ва неча ўн миллионлаб кишиларга етакчилик қилди.

Оммага таъсир ўтказиш учун кураш олиб бориш уқуви нуқтаи назаридан мамлакат ҳаётидаги ҳозирги бурилиш партиядан худди ана ўшандай снёсий фаолликни талаб этади. «Мададсиз қолдириб кетишди», «Оломон ихтиёрига ташлаб кетишди», «норасмий ташкилотлардан ҳимоя қилишмаяпти» ва ҳакозо деб арз-дод қилавермай, ким билан рақобат қилишга тўғри келишига қарамай, ўзининг ҳақлилигига халқни ишонтиришдек большевикларга хос санъатни тиклаш лозим ва айни вақтда снёсий коалициялар ҳамда муросаларга, турли ижтимоий ҳаракатлар билан доимий ҳамкорлик қилишга шай бўлиб туриш керак.

КПСС бошқарув вазифаларидан воз кечар экан, мамлакатдаги ишлар аҳволи учун масъулиятдан холи бўлмайди. Халқ партия тўғрисида шиорлар, ҳаракат дастурлари, қарорлар ва чақириқларгагина қараб эмас, аввало коммунистларнинг меҳнат коллективларидаги, жамиятнинг барча снёсий, маданий, маъмурий ва хўжалик бўғинларидаги иш сифати ва натижаларига қараб ҳукм чиқаради.

Ўртоқлар! Жамиятда авж олиб кетган мунозаралар партиянинг назарий, мафкуравий негизларига ҳам дахлдор бўлди, Табийки, **Ленинизм** тўғрисидаги масала ҳам баҳслар майдонига чиқди. Баъзилар бу баҳсни инкор этиш, ҳатто айтиш мумкинки, агрессив позициялардан туриб олиб бормоқдалар.

Ҳозир бу тушунчани аслида Сталиндан мерос бўлиб қолган қабилда калтабинлик, қироатхонлик билан талқин этиб фойдаланишнинг номақбуллиги аёндир. Худди ана шундай талқин ленинизмга манфаатпарастлик билан, баъзан эса хаёсизлик билан муносабатда бўлишни юзага келтирди. Назариядан йироқ бўлган аксарият кишилар эса бу таълимот мазмуни хусусида ҳамиша ҳам мулоҳаза юритмай, уни ўзига хос «диний таълимот» деб қабул қила бошладилар.

«Ленинизм» атамасининг ўзи меньшевиклар ўртасида 1917 йилдан анча илгари пайдо бўлган эди. Шуниси диққатга моликки, шу йўсинда Ленин қарашларини марксизмга қарама-қарши қилиб қўйишмоқчи бўлган эдилар. 20-йилларнинг бошларига келиб, Ленин сафдошлари бу тушунчани марксизмнинг ривожланишидаги янги босқични ифодалаш учун қўллай бошладилар. Ленин бунга қарши чиққан эди. Бунинг боиси фақатгина унинг камтарлигида эмас, балки шунда ҳамки, Ленин ҳеч қачон алоҳида, яхлит назарий-фалсафий системани яратдим, деб даъво қилган эмас. У сидқидилдан ўзини Марксниг шогирди, деб ҳисоблади холос ва ўзининг назарияга қўшган ҳиссасини марксча таълимотнинг фақат бир қисми, деб баҳолади.

Ленинизмсиз XX асрдаги инсоният тараққиётини тўғри тушуниш сира мумкин эмас, назарий ва снёсий категория бўлган ленинизм тўғрисидаги масалада жуда масъулиятли бўлиш лозим. Ағдариб ташламоқчи бўлаётганларнинг тазйиқига, тарих ва назария соҳасида нодон бўлган одамларнинг тазйиқига берилмаслик керак.

Ленинизм биз учун жонли ва таъсирчан назарий, ғоявий ва маънавий куч-қудрат бўлиб қолаверади. Биз ҳозир Лениндан чинакам сабоқ олишни қайтадан тикламоқдамиз, бу ишни ижодий йўсинда олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу иш жўн бўлмаган ва жўн бўлмайди. Қайта қуриш чоғида ва у келтириб чиқарган мушкул муаммолар муносабати билан биз бу иш билан фаол шуғулланмоқдамиз. Кўпгина ишлар қилинди, аммо КПСС XXVIII съездига тайёргарлик чоғида, съезднинг ўзида ва партиянинг янги программасини ишлаб чиқилаётганда бундан ҳам кўпроқ иш қилиш лозим бўлади.

Биз Ленин маънавий меросидаги барча ўлмас қадриятларга таяниб, замонавий билимларни эгаллаб, инсон ва жамият тўғрисидаги фаннинг энг янги ютуқларини ўзлаштириб **ўз даврими-зинг** муаммолари ва даъватларига ўз жавобимизни қидирамиз.

Ўртоқлар! Жамиятимизда социалистик қайта қуриш бирдан-бир оқилона йўлдир. Қайта қуриш — мураккаб, аммо қийинчиликлардан чиқишнинг муқаррар йўли, реал тараққиёт йўлидир. Биз шу йўлдан борар эканмиз Лениннинг ўзимиз ва бутун жаҳон энг янги тарихи тажрибаси ва сабоқлари билан бойиган меросидан баҳра оламиз.

Қайта қуришнинг муваффақияти бутун цивилизация тараққиётида бетимсол қадам бўлади. Қайта қуриш шундай улуғвор ўзгаришлар, аслида инқилоблар даврининг бошланиши бўлиши мумкинки, бу инқилобларнинг усуллари зўравонликсиз, демократик усуллардир, уларнинг натижалари, Ленин орзу қилганидек, дунёни инсониятнинг Ерда яшаши моҳиятига олиб чиқиши мумкин. **(Қарсаклар).**

ЛЕНИНГА МУРОЖААТ ЭТИБ

Тошкентда тантанали йиғилиш

Совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 120 йиллигини нишонламоқда. Социализм ҳақидаги, жамиятимизни янгилаш йўллари ҳақидаги замонавий тасаввурларнинг асосий манбаларидан бири Лениннинг ниҳоятда бой ижодий меросида жамулжам бўлган. Пролетариат доҳийси Октябрь революциясидан сўнг ўтган атиги бир неча йил ичида яратган асарларида унинг тафаккури ўз аҳамияти жиҳатдан жуда катта — анъанавий марксистик тасаввурлардан социализмнинг характери, табиати ва бутун қиёфасини мушоҳада этишда жамиятни инқилобий янгилаш тўғрисидаги тасаввурларгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ленин ғоялари бугунги кунда ҳам долзарбдир.

20 апрель куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг В. И. Ленин туғилган кунинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. А. Навоий номли театрда партия ва уруш ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда қатнашган кишилар, зиёлиларнинг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг жангчилари тўпландилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов доклад қилди.

Йиғилишда Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида катта ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги таъкидланди. Марксизм-ленинизм асосчилари таърифлаган социализм идеалларининг чуқур илдизлари бор, бу идеаллар оддий меҳнаткаш инсоннинг яхши турмуш ва ижтимоий адолат хусусидаги орзу ўйларини ифодалайди.

Иқтисодиётсиз снёсат йўқ — Владимир Ильичнинг бу фикри бугунги кунда ҳам адолатли тарзда янграмоқда. В. И. Ленин социализмда меҳнаткашларнинг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш масалаларига жуда катта аҳамият берган. Революция доҳийси ўз асарларида кооперацияни турли шаклларда ривожлантиришга катта эътибор берган ва унинг ниҳоятда катта имкониятларини таъкидлаган, мулк шаклларининг кўп бўлиши, уларнинг ўзаро мусобақа қилишлари мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирган. Айни вақтда у иқтисодий усулларнинг маъмурий усуллардан афзаллигини чуқур тушунган. У ишлаб чиқариш раҳбарлари олдига катта вазифалар қўйган. Бу —меҳнатни илмий ташкил этиш ва хўжалик ҳисобини жорий қилиш, марказлаштиришни жойлардаги ташаббус билан уйғунлаштириш, шахсий манфаатдорликдир. Владимир Ильичнинг фикрича, булар ишлаб чиқаришни юксалтириши керак. У тижорат муносабатлари ва савдога совет хўжалик ходимларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қараган.

Бугун республикамизда инвестиция снёсатини, ишлаб чиқариш структураси ва маданиятини ўзгартириш, халқ хўжалигини ривожлантиришда оқилона устунликларни белгилаш, иқтисодиётни аҳоли эҳтиёжига буриб юбориш учун кўп иш қилинмоқда.

Лекин бу ижобий силжишлар жуда суст бўляпти ва ҳозирча амалий натижа бермаяпти. Бунинг устига молия-хўжалик механизмининг умумий номутаносиблиги туфайли иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ривожланиш суръатлари пасаяётганлиги кузатилмоқда, аҳолини иш билан таъминлашдаги кескинлик сақланиб қолмоқда, ижтимоий меҳнат самарадорлиги пасайди, ижтимоий йўсиндаги кўп масалалар ҳал этилмаяпти, нархнинг қимматлашиши ва пулнинг қадрсизланиши тўхтатилгани йўқ, аграр секторда яхшиланиш сари сезиларли ўзгаришларга эришилмади. Юзага келган вазият — социализмнинг ленинча принципларидан чекиниш натижасидир ва ҳозир мамлакатни чуқур тангликдан олиб чиқиш, халқ хўжалиги комплекси барча бўғинларини мустаҳкамлаш, республикалар суверенитетини аниқ-равшан мазмун билан бойитиш, ҳар биримизнинг ҳаётимизни бахтлироқ қилиш учун имкони бор ҳамма ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда социализмнинг ленинча концепцияси миллий масалани ҳал этишдан ва маданий революцияни амалга оширишдан ажралмаслиги таъкидланди. Владимир Ильич миллий масала ишчилар масаласининг бир қисми эканлигини таъкидлаган эди, шу боисдан синфий кураш ва синфий бирдамликнинг иқтисодий, снёсий ва бошқа муаммоларини ҳал этиш миллий масаланинг моҳиятини олдиндан белгилаб беради.

Бугун миллий маданиятни тиклаш учун кўп иш қилинмоқда. Маданият Ленин тушунчасида чинакам кенг қамровли, чуқур маънавий ва инсоний ҳодисадир. У тор миллий доирага сиғмайди, балки инсоннинг дунёга, жамиятга ва ўз-ўзига муносабатининг барча жиҳатларини қамраб олади: энг оддий ахлоқ нормаларига риоя этиш ҳамда табиатга, тарих ва маданият ёдгорликларига авайлаб-асраб муносабатда бўлишдан тортиб, снёсий маданиятни, меҳнат ва турмушни ташкил этишнинг илғор шаклларини, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини эгаллаб олишни ўз ичига олади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон санъат усталари концерт кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛЬИЧ ҲАҚИДА

«Ленин. Инсон — мутафаккир — революционер» китоби босмадан чиқди. В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган ушбу тўпламга халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоблари, Ватанимиздаги ва чет эллардаги машҳур олимлар, ёзувчилар, журналистлар турли йилларда ёзган ва доҳий Ленин ғоявий меросининг кўп қиррали мазмунини акс эттирган очерклар, мақолалар ва айрим фикр-мулоҳазалар киритилган. Кўпгина материаллар шу вақтгача китобхонларимизга маълум бўлмаган ёки ноёб библиографик ҳужжат ҳисобланади.

Тўпламни Снёсий адабиёт нашриёти тайёрлаган ва у ўқувчилар кенг доирасига мўлжалланган.

(ТАСС).

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдги мажлиси бўлди. Уни комиссия раисининг ўринбосари Н. В. Ефимов бошқариб борди.

Марказий сайлов комиссияси 1990 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қайта сайлови якунларини кўриб чиқди. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 48- ва 53-моддаларига тўла мувофиқ равишда 37 та сайлов округида қайта сайлов ўтказилди. 14 округда халқ депутатлари сайланди.

Ҳар бирида иккитадан кўп номзод овозга қўйилган 23 округда , номзодларнинг бирортаси ҳам сайланмади, бу округларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган протоколларни кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасига асосан 14 та сайлов округидан сайланган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди (рўйхат эълон қилинмоқда).

Марказий сайлов комиссияси мажлислар оралиғида гражданлардан келган хатлар ва аризаларни ҳамда бошқа масалаларни кўриб чиқди.

1990 йил 15 апрелда сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари рўйхати

Абдуллаев Раҳматулло, Самарқанд область ижроия комитети раисининг ўринбосари, агросаноат бирлашмаси раиси, КПСС аъзоси, Самарқанд областидаги Қўшкўпир қишлоғи, Самарқанд областидаги 318-Сочакиболо сайлов округидан.

Бойзоқов Сайдулла, Ўзбекистон Компартияси Пайариқ район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Пайариқ районидаги Наримонов қишлоғи, Самарқанд областидаги 309-Наримонов сайлов округидан.

Гамбург Игорь Адольфович, «Голодностепстрой» ишлаб чиқариш қурилиш бирлашмаси бошлиғи, КПСС аъзоси, Янгиер шаҳри, Сирдарё областидаги 392-Ховос сайлов округидан.

Ғаффоров Сотволди, Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози правлениесининг раиси, КПСС аъзоси, Беговот қишлоғи, Наманган областидаги 264-Шаханд сайлов округидан.

Демик Николай Кузьмич, Туркистон ҳарбий округи алоҳида бўлими бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент областидаги 76-Ленин сайлов округидан.

Каримов Муталибжон Мадаминнович, Охунбобоев район кооператорлар кенгашининг раиси, КПСС аъзоси, Марғилон шаҳри, Фарғона областидаги 420-Халқобод сайлов округидан.

Ниёзматов Вилор (Омонулло) Раҳматуллаевич, КПСС Марказий Комитетининг газетаси «Советская культура»нинг Ўзбекистон ССРдаги ўз мухбири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 73-Наримонов сайлов округидан.

Одилов Оғатой, Тахтакўпир районидаги «Тахтакўпир» совхози директори, КПСС аъзоси, Тахтакўпир посёлкаси, Қорақалпоғистон АССРдаги 485-Тахтакўпир сайлов округидан.

Полвонов Отажон, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз бош инженери, КПСС аъзоси, Урганч районидаги Қорамон қишлоғи, Хоразм областидаги 459-Қорамон сайлов округидан.

Ражабов Рўзимат, Хива районидаги Беруний номли колхоз правленнеси раиси, КПСС аъзоси, Жўриён қишлоғи, Хоразм областидаги 467-Сайёд сайлов округидан.

Раҳимов Насимбек Холиқбердиевич, Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Яйпан шаҳри, Фарғона областидаги 428-Рапқон сайлов округидан.

Сафаров Эшдавлат Хўжакелдиевич, халқ депутатлари Сариосиё район ижроия комитети раиси, КПСС аъзоси, Сариосиё районидаги Ленин номли колхоз, Сурхондарё областидаги 358-Узун сайлов округидан.

Шарипов Зариф, Ўзбекистон Компартияси Когон район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Когон шаҳри, Бухоро областидаги 174-Транспорт сайлов округидан.

Холбўтаев Нурали Қобулович, «Чўлпон» нашриёти директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Фарғона областидаги 425-Бувайда сайлов округидан.

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ УЧУН

СССР Олий Совети сессиясида

Депутат В. А. Ополинский 19 апрель куни палаталарнинг қўшма мажлисида сўзга чиқиб, СССР Олий Советининг аъзоларини ижтимоий адолат учун курашчилар, деб атади. Бу таърифни уларга нисбатан ҳамма вақт қўлланса бўлади, лекин бу гал унинг маъноси кун тартиби билан кўп марта кучайди: «СССРда гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунининг иккинчи муҳокамаси бўлди.

Бу муаммо ижтимоий, снёсий ва ҳатто инсонийлик жиҳатидан нақадар муҳимлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Шуни айтиш кифояки, Қонун лойиҳасини мамлакатда муҳокама қилиш давомида (бу муҳокама Қонун лойиҳаси Кремлда дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, матбуотда эълон қилингандан сўнг бошланган эди) ярим миллиондан ортиқ мулоҳаза ва таклиф тушди. Парламент комитетлари ва комиссияларида, ҳукуматда, ВЦСПСда улар батафсил ўрганиб чиқилди. Мана энди ана шу улкан ишларнинг натижаларини акс эттирган лойиҳа иккинчи муҳокамага қўйилди.

Қонун лойиҳасига киритилган ўзгартишларни шарҳлаб: СССР Олий Советидан — Иттифоқ Совети Меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий снёсат масалалари комиссиясининг раиси Н. Н. Гриценко, ҳукумат номидан — СССР давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетининг раиси В. И. Шчербаков, касаба союзларидан — ВЦСПС секретари Г. Ф. Сухорученкова сўзга чиқдилар. Умумий баҳо қуйидагича: қонун лойиҳаси пенсияларнинг хилма-хил турларига ҳуқуқи бўлган шахсларнинг моддий таъминоти даражасини ошириш томон анча ўзгартириб қайта ишланган, унда турмуш даражаси индексининг ўзгариши, иш ҳақининг ортиши муносабати билан ва қаерда яшашига қараб амалдаги район коэффицентларини ҳисобга олиб пенсияларни ошириш йўли билан пенсионерларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш кафолатлари мавжуд.

Қонунни кучга киритиш биринчи навбатда уруш қатнашчиларининг, шу жумладан ногиронларнинг пенсияларини, шунингдек бошқа тоифадаги пенсионерларнинг пенсиялари энг кам миқдорини оширишга мўлжалланганлиги айтиб ўтилди. Пенсиянинг янги тури — ижтимоий пенсия биринчи марта жорий этилаётганлиги таъкидланди. Бундай пенсиялар маълум сабабларга кўра меҳнат стажига эга бўлмаган гражданларга мўлжалланган.

Қонун лойиҳасига «четдан» берилган баҳони келтириш қизиқарли бўлса керак: Халқаро меҳнат бюроси лойиҳа юзасидан хулоса чиқарди. Унда айтилишича, ҳужжат «умуман совет гражданларига қониқарли пенсия таъминоти бериш нуқтаи назаридан ишонарли ва мақбулдир». Сўнгра Халқаро меҳнат бюросининг хулосасида бозор экономикасига асосланган саноати ривожланган мамлакатларда пенсияга чиқиш шартлари СССРдагига нисбатан унча қулай эмаслиги, чунки кўпгина мамлакатлар пенсия ёшини юқорироқ белгилаганликлари таъкидланади. Равшанки, халқаро меҳнат бюроси бир қанча мулоҳазаларни ҳам айтди.

Аммо депутатларнинг ўзлари ҳаммадан кўп мулоҳазалар билдиришди. Музокарада сўзга чиққан Н. И. Гуцкалов, А. Я. Неумивакин, А. А. Павлий, Э. А. Памфилова ёки сўзга чиқиш учун ёзилган 70 дан ортиқ депутатнинг ҳар бирида лойиҳани тағин ҳам пухтароқ ишлаб чиқишлари учун ўз далиллари бор эди.

Хусусан, иш ҳақининг камлигидан келиб чиқиб, кўп йил олдин пенсия тайинланган кишиларга мадад бериш, бир қанча касбларнинг вакиллари пенсия ёшини камайтириш, шахсий пенсия тайинлаш системасини бекор қилиш, кўп болали онанинг болалар тарбиясига доир меҳнатини ижтимоий фойдали меҳнат деб ҳисоблаш таклиф қилинди.

Танқидий мулоҳазалар билан бир қаторда, минбардан туриб қонун лойиҳасини ёқловчи гаплар кўп айтилди, лойиҳа илғор, ижтимоий, адолатли деб баҳоланди.

Депутатлар пенсияга ҳар қандай қўшимча фақат қоғоз пул билан қўшилишини англаб, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига, бозор товарлар билан тўлишига олиб борадиган жараёнларга ҳар томонлама таъсир ўтказиш ўзларининг бурчи эканлиги ҳақида гапирдилар.

Баъзи депутатлар лойиҳада Қонунни бир неча йил давомида аста-секин кучга киритиш кўзда тутилганига қарши чиқдилар. Уруш ногиронлари учун Қонуннинг қоидаларини муддатидан илгари — Ғалабанинг 45 йиллигигача кучга киритиш тўғрисида таклифлар айтилди.

Палаталарнинг эрталабки ва кечки мажлисларида ҳам маърузалар давом этди.

Москва

В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

Нефть етказиб бериш тўхтатилди

МОСКВА, 19 апрель. (ТАСС мухбири С. Сахно). Литвага нефть етказиб бериш тўхтатиб қўйилди. Бу воқеани турли министрлик ва идораларда қуйидагича шарҳладилар:

СССР Нефть саноати министрлиги: ҳукуматнинг фармойишига мувофиқ кеча 18 апрель куни Москва вақти билан соат 22 дан 30 минут ўтганда Мажейкяй нефтни қайта ишлаш заводига ҳом ашё юбориш тўхтатиб қўйилди. Бунгача мунтазам равишда кунига 35—40 минг тонна нефть етказиб берилар эди. Ҳар куни етказиб бериладиган нефть ҳатто 2 минг тонна кўпайган пайтлар ҳам бўлган эди. Ҳозир нефть махсус омборларга оқизилмоқда, яқин вақт ичида у бошқа йўналишлардаги қувурларга тақсимланади.

СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги: Мажейкяй нефтни қайта ишлаш заводи Болтиқбўйидаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бирдан-бир корхонадир. Бу ердан нефть маҳсулотлари фақат Литвага эмас, шу билан бирга Латвияга, Эстонияга, Калининград областига, Белоруссияга, мамлакатнинг бир қанча бошқа регионларига юборилади. Дизель ёнилғисининг бир қисми чет элга чиқарилади. Бугун Мажейкяй заводининг директори корхона ускуналари ярим қувват билан ишлаётганлигини министрликка маълум қилди. 19 апрель куни эрталаб ҳом ашё запаслари атиги 71 минг тоннани ташкил этди. Бу эса 4—5 кунга етади. Сўнгра завод тўхтаб қолади.

СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети: Мажейкяй заводига нефть етказиб бериш тўхтатилганига қарамай қўшни регионлардаги истеъмолчиларни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш ўзгармайди. Нефть қайта тақсимланиб Россия, Украина Белоруссиянинг яқинроқ корхоналарига берилади. Уларнинг қувватлари Литвага нефть етказиб бериш тўхтатиб қўйилиши муносабати билан бу заводларга юбориладиган қўшимча ҳом ашёни қайта ишлаш учун етарлидир. Бу ҳом ашёдан олинган нефть маҳсулотлари олдин Мажейкяй заводидан маҳсулот олган корхоналар ва ташкилотларга юборилади.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетида

Совет Иттифоқига сайёҳ сифатида келган Буюк Британия фуқаролари Чарльз—Хэмфри Мейнелл билан Сьюзан Ллойд—Моррис 1990 йил апрель ойи бошларида хорижий кишиларнинг СССР ҳудудида бўлиш ва ҳаракат қилишнинг мавжуд қоидаларини қўпол равишда бузадилар. Чарльз—Хэмфри Мейнелл 1954 йилда Хонингхэмда туғилган, Сьюзан Ллойд—Моррис 1950 йилда Лондонда туғилган, уларнинг иккови ҳам «Робертс» фирмасининг ходими.

Уларга берилган ташриф қоғозларига мувофиқ, Мейнелл ва Ллойд—Моррис 4 апрелдан 30 апрелгача бўлган даврда Таллинн, Рига, Ленинград ва Москва шаҳарларига боришлари керак эди. Бироқ улар белгиланган йўлдан четга чиқиб, ғайриқонуний тарзда Вильнюс шаҳрига йўл олдилар. Улар Литва пойтахтида яшайдиган уч киши ҳамроҳлигида Вильнюс ҳаво ҳужжимидан мудофаа олий қўмондонлик билим юртининг ўқув маркази жойлашган ерда пайдо бўлдилар, мазкур ўқув юрти шаҳардан анча узоқда жойлашган. Хорижликлар ва уларнинг йўлдошлари ҳарбий иншоот теварагида «Жигули» автомашинасида икки марта айланиб, сим тўсиқлар орқали унинг территориясига кирдилар ва иккита видеокамера ёрдамида у ерда жойлашган ўқув ва жанговар техникани суратга ола бошладилар. Қонунбузарлар қоровул яқинлашиб келаётганини пайқаб, унинг буйруғини рад этиб, яширинишга уриндилар, лекин тревогага биноан чақирилган қоровуллар наряди уларни қўлга олди. Мейнелл ва Ллойд—Моррис кейинги текширишлар вақтида ўзларининг ўқув маркази территориясида пайдо бўлишларини «Ватанга жўнаб кетиш олдидан табиат қўйнида бўлиб, роҳатланмоқчи эдик» деган баҳона билан тушунтирмоқчи бўлдилар. Уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари тегишли ҳужжатда қайд этилди, видеокассеталар тортиб олинди. Англияликлар ана шу можародан кейин эртасига муддатидан илгари мамлакатимиздан жўнаб кетишга мажбур бўлишди.

СССР Чет эл туризми давлат комитетининг маълумотларига кўра, Ллойд—Моррининг 1989 йил декабрида Ереванга «табиат қўйнида дам олишга» келганлиги, Мейнелл эса шу йилнинг январида Боку ва Тбилиси шаҳарларида бўлганлиги кишини ажаблантиради.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети шу муносабат билан хорижликларнинг бундай хатти ҳаракатлари давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни ривожлантириш жараёнига кўмаклашмаслигини, совет қонунларини бузувчилар учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлашга мажбур.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Бугун В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказилади

ФАОЛЛИК

● Сиз суратда кўриб турган машина ҳайдовчилари — А. Эшонхўжаев, Х. Дадабоев, С. Дадамуҳамедов (чапдан ўнгга) пойтахтдаги 3-автобус паркида меҳнат қилишади. Учаласи меҳнат зарбдори, топшириқларни доимо ортиғи билан бажаришади. Улар йўловчилар хизматида бўлишга ошиқишади. Пешқадамларнинг меҳнат стажи 30 йилдан ошди.

Корхонада уларни ҳурмат қилишади. Ёшларга таълим беришда ҳам улар фаол.

— Эртага доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишлаб меҳнат байрами ўтказамиз, — дейди А. Эшонхўжаев. — Ҳамкасбларим қатори шанбаликка зўр ҳаяжон билан келаман. Бу йилгиси ўзгача. Ишлаб топилган маблағларимизнинг аксарияти корхонамиз ҳисобига ўтказилади. Умуман 300 киши меҳнат байрамига чиқади.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

МАҚСАДЛАР ЭЗГУЛИГИ

Суҳбатдош—Ўзбекистон Касаба уюшмалари республика кенгаши ҳузуридаги шанбаликни ўтказиш ишчи гуруҳи раҳбарининг муовини Ҳ. Б. Жамолов

— **Ҳулкар Баҳодирович, Бутуниттифоқ меҳнат анъаналаримиз умумида шанбаликларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Шу ҳақда икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Дарҳақиқат, ибрат олса, кенг тарғиб этса арзийдиган меҳнат анъаналаримиз кўп. Бунга ленинча таъбир билан ёндашсак, шанбаликлар — эркин ва озод меҳнат байрамидир. Бошқача айтганда, кишиларнинг жамият манфаатлари йўлида, ихтиёрий равишда, бунинг устига текин меҳнат қилишлари, бундан ўзларини манфаатдор ҳис этишлари коммунистик онглилик нишоналаридир.

Шанбаликлар тарихига назар солиш бу фикрни яна ҳам ойдинлаштиради. Дастлабки шанбаликларда доҳиймиз В. И. Ленининг ўзи шахсан иштирок этгани, шанбаликлар катта меҳнат шодиёнасига айланиб кетгани кўпчиликка маълум. Шуни таъкидлаш керакки, шанбаликлар тарихида меҳнат унуми одатдаги кунларга нисбатан юқори бўлган. Ҳар бир киши алоҳида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилганлигига оид жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Қайта қуриш шарофати билан шанбаликларда ишлаб топилган маблағлар энг эзгу мақсадлар учун сарф-харажат қилина бошлади.

— **Шу маънода бирон мисол келтиролмайсизми?**

— Бунақа мисоллар анчагина. Жиззах вилоятидаги Зомин санаторийсини олиб кўриш мумкин. «Оналар ва болалар» санаторийси деб ном олган бу соғломлаштириш мажмуаси жиззахлик ларгагина эмас, балки бутун жумҳурият, қолаверса мамлакатнинг турли томонларидан келган меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Санаторийни бунёд этишга 15 миллион сўм сарф қилинди. Бу катта маблағ ҳам шанбаликда ишлаб топилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда шанбаликлар йўли билан жамғарилган маблағларни аниқ бир мақсадни кўзлаб расамади билан сарфлашга эътибор қаратиладиган бўлиб қолди. Масалан, 1989 йили шанбаликда ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми қатор вилоятларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш одат тусига кирди. Шунингдек, оғир хасталикларни даволаш, ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар сиҳат-саломатлигини тиклашда ҳам шанбаликдан тушган маблағлардан кенг фойдаланилмоқда. Тиббий марказларни барпо этишда умумхалқ ҳашари — шанбаликлар маблағлари кўплаб ишлатилянти.

— **Қатор йиллар мобайнида шанбаликда қанча маблағ ишлаб топилди-ю, улар нималарга сарфланганини кўпчиликка маълум эмасди. Бугунги шанбалик муносабати билан шу хусусдаги фикрингизни билиш истагимиз бор.**

— Бир ҳисобда тўғри гапни эсга солдингиз. Негаки, аввалги йилларда шанбаликда жамғарилган маблағлар марказлаштирилган фондларга ўтказиларди-ю, унинг қанчаси қаерга, нималарга сарфланганидан маблағ ишлаб топган кишиларнинг ўзлари бехабар қолишарди.

Ошкоралик замонида бу соҳада тартиб ўрнатилмоқда. Ўтган йилиёқ шанбалик маблағлари асосан соғлиқни сақлаш муассасалари учун сарф этилиши олдиндан маълум қилиб қўйилди. Бугунги шанбаликнинг ўтган йиллардагидан фарқи шундаки, энди шанбаликда ишлаб топилган маблағларнинг ҳаммаси меҳнат жамоаларининг ўзида қолдирилади. Халқ меҳнати билан топилган маблағ халқнинг ўзига қайтарилади. Яъни ҳар бир корхона, колхоз-совхоз, ташкилот, жамоа шанбалик йўли билан ҳосил қилган маблағ айни шу жамоа касаба уюшмаси фондига ўтказилиши қоида қилиб қўйилди.

Меҳнаткашлар жамоаси бу маблағдан ўз хоҳиш-иродасига, эҳтиёжларига кўра зарур мақсадларда фойдаланиши мумкин. Айтайлик, колхоз-совхозлар ўз ижтимоий шароитларига қиёсан ҳаммом, ошхона, чойхона, клуб кабиларни қуриб олиш имкониятига эга бўлдилар. Ёки саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари жамоалари шанбалик маблағларидан илғорларнинг саломатлигини тиклаш учун бепул йўлланмалар билан таъминлаши, уруш ва меҳнат ветеранларининг уйларини ҳақ олмай ремонт қилиб бериши, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиши, мактабгача болалар муассасаларининг эскирган мебель ва бошқа жиҳозларини янгилаб бериши мумкин. Бундай сарф-харажатлар қилиш ҳақида меҳнат жамоаси умумий йиғилиши қарори бўлишининг ўзи кифоя.

Энди шанбаликларнинг ташкилотчилари ҳам, унда ишлаб топилган маблағларнинг сарфловчилари ҳам меҳнат жамоалари касаба уюшмалари бўлиб қолди. Бу бошланғич касаба уюшмаларига ҳам шараф, ҳам катта масъулият юклайди.

— **Бу галги шанбаликни ўз моҳият эътибори билан касаба уюшмалари шанбалиги дейиш маъқулга ўхшайди. Шундай эмасми?**

— Таъбирингизга батамом қўшиламан. Айтиш керакки, қайта қуриш тадбирлари туфайли касаба уюшмалари ўзларининг асосий ишлари— меҳнаткашлар ижтимоий эҳтиёжларини қондириш масалалари билан кенгроқ шуғуллана бошладилар. Шанбаликдан тушган маблағлар корхона, ташкилотларнинг касаба уюшмалари ҳисобига ўтказилиши, бу маблағлар эвазига меҳнаткашларнинг кундалик ижтимоий эҳтиёжларини қондириш чоралари кўрилаётгани шундан далолат беради.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари республика кенгаши президиуми бошланғич ташкилотларга мурожаат этиб, шанбаликда ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини Қорақалпоғистондаги экологик қийин шароитда яшаётган зона аҳолиси саломатлигини яхшилашга ёрдам тариқасида ўтказишни сўради. Шанбалик штабига келаётган хабарларга қараганда, бу мурожаат жойларда астойдил қўллаб-қувватланмоқда.

Шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш штаби кўрган чоралар қувончли натижалар бериши кутилмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари республика кенгаши президиуми ноҳиялар, вилоятларда юзага келган энг яхши ташаббусларни еинчиклаб ўрганди. Уларнинг энг яхши тажрибаларини кенг оммалаштириш чоралари кўрилди. Масалан, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Намангандаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Бухородаги «Ўзбекгазпромстрой» қурилиш тресті жамоаларининг ташаббуси жумҳурият Касаба уюшмалари республика кенгаши президиуми томонидан маъқулланди. Бу ташаббусларни кенг тарғиб этиш тадбирлари кўрилди.

— **Авиасозлар, шойи газлама тайёрловчилар, бинокорлар жамоалари ташаббусининг моҳияти нимадан иборат?**

— Меҳнаткашларнинг бу жамоалари жумҳурият ишчилари даврасида биринчилардан бўлиб хайрли ҳаракатни бошлаб бердилар. Наманган шойи газлама тўқувчилари бугунги шанбаликда 50 минг сўм ишлаб топиб; уларни меҳнат жамоасининг ижтимоий масалаларини ҳал қилишга сарфлашни мўлжаллаб қўйди. «Ўзбекгазпромстрой» бинокорлик трестининг ишчи ҳамда мутахассислари шанбаликда 5 минг сўм жамғарадилар. Ана шу маблағ кам таъминланган, кўп болали оилалар, Бухоро области ва шаҳридаги болалар уйларида тарбияланаётган етимлар, ногирон болаларга ёрдам тариқасида ишлатилади. Тошкент авиасозлари бир неча ўн минг сўмлик иш бажариш ҳаракатида. Ана шу маблағларни авиасозлар уйжой шаҳарчасини ривожлантириш фондига ўтказиш мўлжаллаб қўйилган.

Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалаба қилганлигининг 45 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Кўплаб меҳнат жамоалари ана шу шонли санани назарга олиб, касаба уюшмалари шанбалигида ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини уруш ва меҳнат ветеранлари ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга сафарбар этиш истагини билдирмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПССнинг бўлажак XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган шанбаликка пухта тараддуд кўрдилар. Самарқанддаги «Электробитмаш» бирлашмаси барча тайёргарлик ишларини барвақт тугаллади. Бу ерда 1500 киши шанбаликда иштирок этади. Шундан 1300 ишчи ўзи меҳнат қилиб келган жойда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Шанбаликда корхона 200 та холодильник тайёрлаб беради. Бу — ҳар куни тайёрлаб чиқарилаётганидан кўпроқ. Ишчилар жамоаси касаба уюшмаси ҳисобига 7600 сўм маблағ ўтказмоқчи. Унинг бир қисми кам таъминланган оилалар эҳтиёжига, соғломлаштириш мақсадларига ва пионер лагери бунёд этишга сарф қилинади.

— **Доҳий таваллудининг 120 йиллиги шарафига ўтказилаётган шанбалик тараддуди даврида кўпроқ нималарга эътибор берилди?**

— Шанбаликни ўтказиш штаби ишчи гуруҳи аъзолари жумҳуриятнинг турли ноҳия ва вилоятларида тегишли ташкилий ишларни амалга оширдилар. Ҳамма ерда, барча меҳнат жамоаларида шанбалик штаблари фаол иш олиб борди.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Наманган вилоятлари, Қорақалпоғистон АССР шанбаликни ўтказиш штаблари тайёргарлик ишларини расамади билан ташкил этишга муваффақ бўлдилар. Ташкилий даврда шанбалик куни меҳнат қиладиган кишилар учун зарур иш шароити яратиб бериш, тегишли хом ашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бундан ташқари техника хавфсизлиги тадбирлари амалга оширилди.

Биз шуни ҳам назарда тутдикки, шанбалик корҳонада иш ёки хизмат жойига келиб-кетишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Касаба уюшмалари ҳар бир шанбалик қатнашчисининг баракали ва сифатли иш бажариши учун ҳамма шароитларни яратиб беришда ғамхўрлик қилиши зарур.

— **Сизнингча, бугунги шанбаликнинг асосий натижалари қандай бўлади?**

— Жумҳуриятимизнинг ҳамма ерида ишчи-ю хизматчи, бинокор-у чорвадор, зиёлилар — барча қайта қуриш шарофати билан ўзининг меҳнатга бўлган муносабатида қандай ўзгаришлар рўй берганини амалда намоён этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, жумҳуриятда бугунги шанбаликда тахминан 9 миллион киши қатнашади. Уларнинг ярми ўз дастгоҳи, қурилиш участкаси, транспорт воситасида меҳнат қилади. Жумҳурият саноатининг ўзи камида 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайди. Бунинг 7,5 миллион сўми касаба уюшмалари ҳисобига ўтказилади.

Тикланаётган бинолар, ишлаб чиқариш аҳамиятига эга обеъктлар қурилишлари жадаллашади. Бундан ташқари, Ўрта Осиё темир йўлининг ўнлаб локомотив бригадалари, жумҳуриятдаги автомобилчилар йил бошидан тежаб қолинган ёнилги ҳисобига ишлайдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

«Орол жамғармаси» ҳисобини маълум қиламиз

Бугунги ленинча шанбаликда иштирок этадиган республикамизнинг кўпгина меҳнат коллективлари ишлаб топиладиган маблағнинг бир қисмини «Орол жамғармаси»га ўтказиш истагини билдиришган. Биз уларнинг истакларини инобатга олиб «Орол жамғармаси»нинг ҳисобини маълум қиламиз:

● **У Тошкент шаҳар уйжой-социал банкининг Киров район бўлимида 001700403-счёти** деб аталади.

Шанбаликда ишлаб топилган маблағларнинг бир қисмини «Орол жамғармаси»га ўтказиш Оролбўйидаги экологик, ижтимоий-иқтисодий ва санитария-гигиена вазиятини тубдан яхшилаш вазифаларини тезроқ ва самаралироқ ҳал этишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз. Чунончи, Оролни ва Оролбўйини асраш комитети мана шу регионда смета қиймати уч миллион сўм бўлган соғломлаштириш комплексини қуришни режалаштирмоқда.

АХБОРОТ

МИРЗАЧЎЛ ҲАҚИДА БИРИНЧИ КИТОБ

● КЕЧА пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан доҳий номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиалида икки кўргазма очилди...

Бундан 75 йил муқаддам Петроградда Мирзачўл ва Далварзинтепа ҳақида ҳикоя қилувчи бир китоб чоп этилган эди. Унинг муаллифи Г. Розенкампф. Бу, асрлар бўйи қақраб ётган чўлларни қандай қилиб ўзлаштириш мумкин эканлиги ҳақида фикр юритувчи биринчи китоб бўлган. Пролетариат доҳийси ана шу китобни кейинчалик қўлга олиб, у билан танишади. Доҳий Мирзачўлда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 миллион сўм ажратиш ҳақида декретни имзолаганда шу каби адабиётлар ва манбааларга суянган бўлса ажабмас. Бу ноёб китоб замона тақдири билан Тошкентга келиб қолади.

Музейдаги иккинчи кўргазмада Тошкент давлат дорилфунуни ҳақида ҳикоя қилинади. Унга жуда кўп суратлар қўйилган. Экспонатлар орасида дорилфунуннинг барча ректорлари, тўнғич битирувчилари, турли кафедралари ва факультетларидаги қайноқ ҳаёт ҳақида лавҳалар бор.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

● БУГУН жумҳуриятимизда ленинча коммунистик шанбалик зўр уюшқоқлик билан ўтказилади.

Жумҳурият пойтахти Тошкентда бу умумхалқ ҳашарига муносиб тайёргарлик кўрилди. Шаҳардаги 1 мингга яқин корхона, муассаса ва ташкилотларнинг жамоалари шу куни ғайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар. Ярим миллион атрофида ишчи ва хизматчи ўз иш жойларини эгаллайди, ободончилик ишларида қатнашади. Жуда кўп жойларда ариқлар тозаланади, гулзорлар бунёд этилади.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ташсельмаш» корхоналарининг ишчилари меҳнат қилиб топилган маблағни аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга сарфлайдилар.

МАЛИКАЛАР ДАВРАСИ

● БУГУН Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри биносида «Осиё маликаси — 90» халқаро кўриги учун ғолибларни эълон қилиш ва уларга турли хил совғалар тақдим этиш маросими ўтказилади.

Гўзаллик, латофат ва дилбарлик оламига даъвогарлар орасида Ўзбекистондан Г. Муҳамедова, Н. Скудиленко, Тожикистондан Г. Амирқулова, Э. Сулаймонова, Б. Гулакова, Қирғизистондан Г. Бобажонова, С. Сотқинова ва бошқалар бор. Ғолибларга «Осиё маликаси» — «Кино гўзали», «Дилбарлик гўзали», «Навқиронлик» номлари берилади.

Конкурс томошаларидан тўпланган маблағ В. И. Ленин номидаги Болалар фондига ўтказилади ва ғолиблар шу йил Англия пойтахти Лондонда бўладиган халқаро кўрикда қатнашиш учун йўлланма оладилар.

Бу маданият ва саховат тадбирини Ижтимоий тартиблар халқаро марказининг Ўрта Осиё филиали ташкил этди.

КИМ ОЛДИНДА?

Яшилликка бурқсишда олдин

Республикада, айниқса, водийларда дарахт кўчатлари ўтказиш ишлари тугалланмоқда. Бу йил об-ҳаво шароити ўтқазилган кўчатларнинг бехато кўкласи учун қулай келмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотларига қараганда, республикада кўчат ўтқазиш топшириғи 108 фоиз бажарилган. Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона областлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, республика Ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекэнерго», Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитети топшириқни уддаладилар.

Боғлар барпо этиш топшириғи 102,5 фоиз бажарилди. Сурхондарё области мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш топшириғини деярли тўрт баравар қилиб бажарди, Наманган области топшириқни 239,1 фоиз, Қорақалпоғистон АССР — 130,4 фоиз, Бухоро области — 126 фоиз, Тошкент области — 116,6 фоиз бажарди.

Андижон областида янги боғлар барпо этиш суст бормоқда. Бу ерда топшириқ атиги 41,6 фоиз бажарилди.

Умуман республикада токзорлар барпо этиш топшириғи бажарилмади (83,7 фоиз). Топшириқни Сурхондарё (197,3 фоиз), Тошкент (107,8 фоиз), Бухоро (101 фоиз) областлари адо этдилар. Фарғона (29,9 фоиз), Хоразм (47,3 фоиз), Андижон (49,2 фоиз), Қашқадарё (63,1 фоиз) областлари ва Қорақалпоғистон АССР (49 фоиз) токзорлар барпо этишда кечикмоқдалар.

Боғлар ва токзорлар бар по этиш, тут, дарахт ва мевали дарахт ҳамда бута кўчатларини ўтқазиш топшириқларининг бажарилиши тўғрисида 1990 йил 16 апрелгача бўлган маълумот (фоиз ҳисобида)

Фарғона области	—	152,1
Самарқанд области	—	134,3
Сурхондарё области	—	134,1
Наманган области	—	123,4
Андижон области	—	122,1
Бухоро области	—	105,2
Тошкент области	—	104,6
Қашқадарё области	—	98,1
Хоразм области	—	93,2
Тошкент шаҳри	—	89,7
Қорақалпоғистон АССР	—	79,5
Жиззах области	—	77,5
Сирдарё области	—	57,5

СУД ҲУКМ ЧИҚАРДИ

МОСКВА, 19 апрель. (ТАСС мухбири Н. Демидов). РСФСР Олий суди жиноий ишлар судлов коллегияси бугун Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг собиқ биринчи секретари М. Худойберганови олти йил озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкини мусодара қилиш ва жазони умумий режимдаги колонияда ўташга ҳукм қилди. У кўп марта пора олиш ва пора беришда айбдор деб топилди.

Мен «ўзбеклар иши» деб аталган туркумдаги кўпгина суд мажлисларида бўлдим. Уларда пора олган кишиларга нисбатан анча қаттиқ ҳукм чиқарилган эди. Бу ишда эса суд ўзига хос вазият борлигини ҳисобга олди: биринчидан, Худойберганов Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва ногирони; иккинчидан, РСФСР Олий суди аъзоси Ю. Говоров ва халқ маслаҳатчилари П. Артемова ва Г. Шокшинскийдан иборат судлов коллегияси Хоразм области уруш ветеранларининг судланувчига камроқ жазо бериш тўғрисидаги илтимосини ҳисобга олди; учинчидан, Худойберганов турмада икки марта инфаркт ва инсульт касаллигига учради; тўртинчидан, у салкам 6 миллион сўм пул ва қимматбаҳо буюмларни ихтиёрий равишда топширди. Ана шуларни ҳисобга олиб суд Худойбергановга жиноят кодексининг ушбу моддасида кўзда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо тайинлади.

Худойберганов содир этган жиноятни Қонун энг оғир жиноятлар қаторига киритади. Дастлабки тергов органлари Худойбергановни 380 минг сўм пора олишда ва 79300 сўм пора беришда айблаган эдилар. Шуни таъкидлаш керакки, Худойберганов иши юзасидан давлат айбловчиси ўз нутқида судланувчини 87 минг сўм пора олиш ва 3 минг сўм пора беришда айбдор деб топишни сўраган эди. Суд ҳайъати бу ишни икки ярим ой текширди ва ниҳоят ҳукмни эълон қилиб, Худойбергановни 72800 сўм пора олишда ва 3 минг сўм пора беришда айбдор деб топди. Кўпгина эпизодларни суд исботланмаганлиги ёки жиноят ҳоллари йўқлиги сабабли тасдиқланмаган эпизод сифатида рад этди.

Дастлабки терговнинг биринчи босқичида Худойберганов ўз айбига тўла иқрор бўлди, сўнгра қисман айбини рад этди. Судда эса умуман қўйилган ҳамма айбларни рад этди. Суд мажлисининг охиридагина кутилмаган воқеа юз берди: Худойберганов бирдан ўрнидан туриб уч марта пора олганлигини ва бир марта пора берганлигини тан олди. Олдинги суд мажлисларида бундай воқеа бўлмаган эди. Суд Худойберганов ўз айбини тан олганлигини айбни юмшатувчи вазият, деб ҳисоблади.

Худойберганов 1986 йил августида қамоққа олинган эди. Шундай қилиб у уч ярим йил турмада бўлди.

— Шубҳасиз, тергов чўзилиб кетди, — деб ҳисоблайди ана шу суд мажлисида давлат айбловчиси вазифасини бажарган СССР прокуратураси бошқармасининг прокурори А. Галушин. — Сўроқ орасидаги узилишлар бир-бир ярим йилга етган.

Шуни ҳам айтиш керакки, А. Галушин суддан қонунийликни бузганлик учун дастлабки тергов органлари номига хусусий ажрим чиқаришни сўради. Жумладан, Худойбергановнинг айрим қариндошларини ғайриқонуний равишда қамоқда сақлаганлиги учун хусусий ажрим чиқаришни сўради.

— СССР Бош прокурорининг ўринбосари маҳкум этилганларнинг қариндошуруғларини қамоқда сақлаш муддатини аниқ рақам билан белгилаб қўйгандан кейин ҳам терговчи Н. Иванов уларни яна 27 кунгача қамоқда сақлаб турди, — дейди А. Галушин. — Бу хусусда ишда оқлайдиган ҳеч қандай ҳужжат йўқ.

— Айрим эпизодлар юзасидан умуман айб қўйиш мумкин эмаслигини илова қиламан, — дейди суд мажлисида раислик қилган Ю. Говоров. — Хусусан, Салимовга, Усмонхўжаевга, Айтмуротовга пора берганлигини ихтиёрий равишда тан олган, бундай ҳолларда Қонун жиноий жавобгарликдан озод этишни кўзда тутади. Шунга қарамай, судда ана шу эпизодларни кўриб чиқишимизга тўғри келди.

Суд дастлабки тергов номига хусусий ажрим чиқармади.

— Суддаги сўроқ пайтида пора берган одамлар дастлабки тергов чоғида ўзларига нисбатан жисмоний ва руҳий таъсир ўтказилгани ҳақида гапира бошлашлари билан биз дарҳол бу хусусда СССР прокуратурасининг фикрини сўрадик, — деб изоҳлайди Ю. Говоров. — Шундан кейин ана шу ишни тергов қилиш чоғида қонунийлик бузилганлигини тасдиқловчи жавоб олдик. Хуллас СССР прокуратураси суд мажлиси давом этаётган пайтдаёқ бу ҳақда хабардор қилинган эди.

Шундай қилиб, суд мажлиси тугади, порахўр жазоланди. Лекин бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистонда бошланган ишлар ҳали ҳам судларда кўрилмай ётибди...

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 04226. № 93. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12